Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 1-avgust, chorshanba ✷ № 32 (784) ✷ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✷ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✷ www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✷ **25 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**

✷ 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили этиб тайинланган Патриция Флор хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

✷ **Австриянинг Тироль минтақасида Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мамалакатимизнинг Австриядаги элчихонаси томонидан "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Тироль федерал ери сайёҳлик саноати ҳамда Австрия академик доиралари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.**

✷ Швейцарияда нашр қилинадиган "Happy Life" журналида журналист Сандрин Баглин-Брандель қаламига мансуб "Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат" сарлавҳали мақола чоп этилди. Чиройли ва ранг-баранг суратлар билан безатилган мазкур мақола Ўзбекистонинг бой ҳамда бетакрор маданий-тарихий меросига бағишланган.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Истиқлол байрамига муносиб туҳфа

Самарқандда "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасининг MAN катта юк автотранспорт воситалари ишлаб чиқариш заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Германиянинг "MAN Truck & Bus AG" компанияси, вилоят ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида асос солинган мамлакатимиз автосаноати йил сайин ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомашиналари, автобуслар халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш билан бирга, хориж бозорларида ҳам харид қилиниб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишида муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистоннинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 2009 йил август ойида ташкил этилган "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси "Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва дунёга машҳур "MAN Truck & Bus AG" компанияси ҳамкорлиги маҳсулидир. Мазкур қўшма корхона фаолияти Самарқанд автомобиль заводи ҳудудида MAN автомобилларини ишлаб чиқариш билан бошланган эди.

2011 йилдан «MAN автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплекси» лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Лойиҳа бир неча босқичда амалга оширилмоқда. Унинг биринчи босқичида "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш комплекси қуриб битказилди. Қисқа фурсатда амалга оширилган қурилиш-бунёдкорлик ишлари самарасида жорий йил бошида корхонанинг замонавий дилерлик ва сервис маркази ўз фаолиятини бошлади.

2 ⏩

21 yil

ЯХШИ КИТОБЛАР ЮКСАК ТОҒЛАРГА ЎХШАЙДИ

8-бет

Бундан йигирма беш йилча муқаддам альбомлар, асосан, Москвада нашрга тайёрланар, Белград ёки Прагада чоп этилар эди. Эндиликда «Шарқ» ва Бош таҳририят негизида альбом ноширчилиги ва матбаачилиги тўла-тўкис маҳаллийлаштирилди, яъни мураккаб ва сермеҳнат китоблар таннархи арзонлаштирилди.

УЙИМИЗНИНГ ЗИЙНАТИ, ЁНАР ЧИРОҒИ

6-бет

Шу мўътабар кунларда юртимизда муборак рўзаи Рамазон ойи давом этмоқда. Бу ой яхшиликлар, эзгу тилаклар ва дуолар вожиб бўладиган ойдир. Азал-азалдан ҳамюртларимиз Рамазон кириб келиши билан кўпроқ яхшиликлар қилишга, бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатишга ҳаракат қилишган.

СИЗ, АЛБАТТА, ТАЛАБА БЎЛАСИЗ!

3-бет

Бугун улкан ҳаёт остонасида ҳайрат ва илинж билан истиқболга назар ташлаётган ёшларимизнинг илк одими омадли келсин, дейміз. Имтиҳонларга астойдил тайёргарлик кўриб, билимларини бойитган ўқувчиларнинг юзи ёруғ бўлсин.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

Дунё бизга ҳавасда

Мана, йигирма бир йилдирки, халқимиз мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлиб, эмин-эркин яшамоқда. Ҳурлигимизнинг муборак туғи бошимиз узра ҳилпираб турибди. Йигирма бир йилдирки, мустақил Ўзбекистон мадҳияси дунё бўйлаб мағрур янграмоқда. Ўтган йилларнинг ҳар бир куни мустақилликни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш, халқимизга муносиб ҳаёт тарзини яратишга оид қизғин курашлар билан ўтди десак, маҳобат қилмаган бўламиз.

Албатта, собиқ тузум асоратларидан тезроқ қутулиш, иқтисодиётни изга солиш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, аҳоли турли қатламларини кучли ижтимоий ҳимоя остига олиш давр тақозоси эди. Истиқлолимиз ҳар бир кишидан ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва ватанпарварлик ғояларига садоқатни талаб этди, ҳар бир фуқаро қалбида Ватанимизнинг буюк келажагига қатъий ишонч уйғотди.

2 ⏩

ОБУНА – 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2012 йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна давом эттирилмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT"*нинг нашр индекси — 233*

Мардлар майдонда синалади

Шу кунларда Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпиада мусобақалари кўтаринки руҳда ўтмоқда

8 ⏩



Дунё бизга ҳавасда

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртбошимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўқир экансиз, ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларнинг бошида мамлакатимизда, дунёда юз берган мураккаб воқеаларнинг ташвишли тафсилотлари маржондек тизилиб кўз ўнгингиздан бир-бир ўтади. Собиқ тузумнинг қонун-қоидалари, ғайриахлоқий қадриятлари, мафкура тамойиллари одамлар онгига, турмуш тарзига шу қадар чуқур сингиб кетган эдики, улардан осонликча қутулиш мумкин эмасди. Мана шундай мураккаб ва қалтис шароитда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий тараққиётнинг халқимизга хос ва мос янги "ўзбек модели" ишлаб чиқилди. Юртбошимиз ўша вақтда мамлакатда юзага келган ижтимоий вазиятни таҳлил қилар экан, "Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди, бошқаларнинг миннатли ёрдамига эмас, фақат ўзимизга, ўз кучимизга, халқимизнинг салоҳияти ва иродасига таяниб иш кўрамиз", дея келажак учун мўлжалланган кенг кўламли вазифаларни аниқ белгилаб берди. Қисқа вақт ичида республикада юзага келган реал аҳволга объектив баҳо бериш, умумий вазиятни соғломлаштиришнинг аниқ-пухта, чуқур ўйланган дастурини ишлаб чиқиш; қишлоқларда янги ишчи ўринлари яратиш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини тубдан ўзгартириш, у ерга кичик саноат корхоналарини олиб кириш вазифалари шулар жумласига кирарди. Шунингдек, маданий-маиший хизмат соҳасини ислоҳ қилиш, қишлоқ аҳолисини, айниқса, ризқ-рўзимизни яратаётган деҳқонларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга томорқа ва уй-жой қуриш учун ер бериш, тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятини кучайтириш, бу борадаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, ёш авлод таълим-тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтариш каби долзарб масалалар тезкор ечимини кутмоқда эди.

Давлатимиз раҳбари сўзлари билан айтганда, Ўзбекистон танлаган йўл "гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўли" эди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, элюртда тинчлик-тотувликка эришишнинг бундан бошқача йўлини тасаввур қилиб бўлмасди ҳам. Гапнинг очиғи, ҳеч ким четдан келиб, муаммоларимизни ҳал қилиб бермаслиги, бутун дунё, ҳар бир мамлакат ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгани аён кўриниб қолганди.

Бугун, мана орадан йигирма бир йил ўтгач, мустақиллик шароитида кечган умримизга, шу йиллар ичида қўлга киритган оламшумул ютуқларимизга назар ташлар эканмиз, Юртбошимиз собиқ тузумнинг таъсир кучи сақланиб турган бир пайтда, мустақилликнинг дастлабки кунларида жуда катта, тарихий аҳамиятга молик Фармон ва қарорлар қабул қилганига амин бўламиз.

Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ ҳаётнинг ўзи Ўзбекистон танлаган мустақиллик йўлининг тўғри ва ҳаққонийлигини исботлади. Ёш мамлакатимиз қисқа муддатда жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли, айни чоғда фаол, ташаббускор аъзосига айланди. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тамойиллари таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, йирик мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Жуда қисқа фурсатда мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда маънавий асослари мустаҳкамланди, баркамол авлод таълим-тарбиясига устувор аҳамият қаратилди. Жамиятда янги мулкдорлар синфи шаклланди, хусусий мулкка муносабат ўзгарди. Одамлар ўз меҳнатлари самараларидан тўла баҳраманд бўлиш, даромадларига яраша фаровон турмуш кечириш имкониятига эга бўлдилар. Ёшларда жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, яъни ижтимоий фаоллик, мамлакат, миллат тақдири учун кураш туйғуси, ватанпарварлик ҳисси кучайди.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки қадамларидан бошлаб маънавий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилди. Истиқлолимизнинг учинчи йилида (1993) пойтахтимиз марказида Соҳибқирон Амир Темурга маҳобатли ҳайкал ўрнатилди. Юртбошимиз ана шу маросимда сўзлаган нутқида қуйидагиларни таъкидлаган эди: *"Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, "Куч адолатдадир" демоқда. Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс-садо бериб туришини орзу қиламиз".*

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик шодиёналарига қизғин ҳозирлик кўрилаётган ушбу кунларда йигирма бир йил аввал эндигина тетапоя бўлаётган ёш давлатнинг улуғвор режалари кўпларга эришиб бўлмайдиган мақсад, етиб бўлмайдиган марра бўлиб туюлгани хаёлдан ўтади. Не бахтки, биз бу марраларга етишдик. Орзу-умидларимиз рўёбига шубҳа билан қараганларнинг тамомила янглишганларини бугун кўриб турибмиз. Айни чоғда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-тотувликка, аҳил-иноқликка, бунёдкорлик ишларимизга, азиз фарзандларимизнинг бахту камолига дунё аҳли ҳавасманд бўлиб турибди. Навқирон 21 ёшга кирган — энг азиз ва энг улуғ истиқлолимизнинг залворли ва қутлуғ қадамларига боқиб, кўнгилларимизда фахр ва ифтихор туйғулари мавжланмоқда.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, социология фанлари номзоди

Истиқлол байрамига муносиб туҳфа

(Бошланиши 1-бетда.)

Ушбу марказ сўнгги техник ва технологик талаблар даражасида жиҳозланган бўлиб, диагностика, юк автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва уларнинг узеллари, механик ва электротехник қисмлари ҳамда шиналарини таъмирлаш участкаларига эга. Мажмуа майдони ва техник жиҳозланиш даражаси йилига 1500 тадан 4000 тагача йирик юк автомашиналари ва махсус транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш имконини беради. "MAN Truck & Bus AG" компаниясининг хорижий давлатлардаги етакчи сервис марказларида амалиёт ўтаган ва малака оширган мутахассислар турли таъмирлаш ишларини юқори сифатда бажармоқдалар.

MAN автомобилларини ишлаб чиқарувчи янги завод мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичи бўлиб, у бир йилда 5 минг юк машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонанинг иккинчи йиғув линияси ишга тушгач, бу ерда 10 мингтагача автомобиль ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

— Мазкур заводнинг ишга туширилиши ўзаро ҳамкорлигимизнинг мантиқий давомидир, — дейди "MAN Truck & Bus AG" директорлар кенгаши аъзоси Франк Хиллер. — Ўзбекистонда хорижлик инвесторлар фаолияти учун барча қулайликлар яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўйлайманки, ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораверади.

Тадбир қатнашчилари корхонада амалга оширилган қурилиш ва жиҳозлаш ишлари, ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси очилишидан лавҳалар.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

БУГУННИНГ ГАПИ

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ:

ҲИМОЯЛАНГАН, ТЕЗКОР ВА ҚУЛАЙ

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда оламшумул ўзгаришлар юз бермоқда. Шулардан бири Ўзбекистоннинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти — ИКАОга аъзолигидир. Ушбу халқаро ташкилот Ассамблеясининг 2004 йилдаги қарори (резолюцияси)га мувофиқ унга аъзо давлатларнинг 2010 йилдан биометрик паспорт тизимига ўтиши белгиланган. Мазкур талабни бажариш мақсадида, қолаверса, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан республикамизда ҳам биометрик паспорт тизими жорий этилган бўлиб, айни пайтда бу йўналишдаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биометрик паспорт — фуқаронинг шахсни тасдиқловчи автобиографик ва биометрик маълумотлар киритилган ҳужжатдир.

Халқаро талабларга мос бўлган биометрик паспортнинг жорий этилиши давр талаби, тақозосидир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароларининг қадами тегмаган давлат қолмади, ҳисоби. Албатта, хорижга йўл олган ҳар бир инсонда шахснинг қайси давлатга мансублиги ҳақидаги ҳужжат бўлиши табиий.

Биометрик паспортнинг афзаллиги шундаки, унда виза билан боғлиқ ҳужжатларнинг хавфсизлиги таъминланади. Хусусан, фуқароларнинг давлат чегарасидан ўтиш пайтидаги шахсини тезкор ва аниқ идентификация қилиш имкони ортади. Яна бир томони, биометрик паспорт тизимига ўтиш халқаро авиаташишлар самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биометрик паспорт амалдаги паспортдан тубдан фарқ қилади. У 36 варақдан иборат (аввалгиси 32 варақ) бўлиб, ҳимоя тизими кучайтирилган. Яъни биометрик паспортларга амалдагилардан фарқли ўлароқ 11 та қўшимча ҳимоя элементи киритилган. Демак, қалбакисини ясашнинг иложи йўқ. Паспортнинг орқа муқовасига жойлаштирилган махсус қурилма (чип)га фуқаро, яъни паспорт эгаси биометрик маълумотларининг электрон нусхаси киритилади. Фуқаронинг биографик маълумотларига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган вақти ва жойи, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, берилган вақти ва амал қилиш муддати, биометрик маълумотларига эса унинг фотосурати ҳамда бармоқ излари киради. Паспортдаги махсус қурилма ёрдамида халқаро аэропорт, чегара пунктларидан ўтилаётганда компьютер қурилмасида бир сониядаёқ шахс ҳақидаги барча маълумотлар акс этади. Бу эса жиноят содир этиб қочиб кетмоқчи бўлганларни қўлга олиш, уюшган жиноятчилик, терроризмга қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда қўл келади.

Биометрик паспорт бериш жараёни аввалгидан анча фарқ қилади. Янги намунадаги паспортни олиш учун фуқаролар доимий рўйхатдан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига, хорижда яшаётган юртдошларимиз эса Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик ваколатхоналарига ариза билан мурожаат қиладилар. Бу ерда ариза берган шахс монитордаги суратга олинади ва барча бармоқ изларининг фотонусхаси туширилади (Паспорт олаётганда эса кўрсаткич бармоғининг изи сурати яна қайд этилади). Фуқароларнинг аризалари асосида биометрик паспорт тайёрлаш учун Давлат персоналлаштириш марказига электрон талабнома юборилади. Мазкур талабнома асосида биометрик паспорт тайёрланади ва унга шахснинг тегишли маълумотлари киритилади. Тайёр паспорт белгиланган тартибда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фельдъегерлик хизмати орқали буюртмачига (шаҳар, туман ИИБ ХЧК ва ФРБларига) юборилади. Шаҳар, туман ИИБ ХЧК ва ФРБларида махсус қурилмада текширувдан ўтказилгач, паспортлар ўз эгаларига топширилади.

Паспорт бланкасига фуқаронинг биографик маълумотлари ва фотосурати босмалаш усули орқали жойланади. Аниқроғи, ўзбек тилида (лотин алифбоси асосида) ва инглиз тилида (Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тилида ҳам) қуйидаги маълумотлар ёзилади:

— фамилияси, исми, отасининг исми;
— туғилган йили, куни, ойи;
— туғилган жойи;
— миллати;
— жинси;
— фуқаронинг шахсий коди (идентификация рақами).

Қайд этиш лозимки, биометрик паспорт фуқароларнинг аризалари асосида Давлат персоналлаштириш марказига электрон талабнома юборилгандан кейин мамлакатимиз ҳудудида 10 иш куни, хорижда 15 иш куни ичида берилади. Фуқаро паспортини йўқотиб қўйган тақдирда эса, бу ҳақда ариза берилган кундан сўнг бир ой мобайнида белгиланган тартибда янги паспорт тақдим этилади.

Ногирон, ички ишлар бўлимига келишга қийналадиган кексаларнинг янги нусхадаги паспортни олишлари учун биометрик маълумотларни йиғишга мўлжалланган ҳаракатдаги станция хизмати йўлга қўйилади. Паспорт хизмати ходими профилактика инспектори ҳамроҳлигида ногирон ёки кекса фуқаро яшайдиган хонадонга бориб, унинг ўзини ва қўлбармоқ изларини мониторга туширади, паспорт тайёр бўлгач, яна кўрсаткич бармоғи изини тушириб, фуқаролик ҳужжатини топшириб келади.

Хорижга чиқаётган болаларга ҳам биометрик паспорт бериш назарда тутилган. Чунончи, 16 ёшга тўлмаганларга фақат хорижга чиқиш зарурати туғилгандагина янги паспорт берилади ва унга вақтинча хорижга чиқиш стикери ёпиштириб қўйилади.

Айни кунларда Тошкент шаҳрининг барча туман ИИБларининг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида биометрик паспорт берилмоқда, эски нусхадаги ҳужжатлар алмаштирилмоқда. Шунингдек, Тошкент вилояти ИИБда тажриба сифатида фуқароликнинг янги ҳужжатини топшириш амалга оширилаяпти. Яқин кунларда Сирдарё вилоятида ҳам шундай ишларни амалга оширишга киришилади. Республикамизнинг қолган вилоятларида биометрик паспорт тизимини жорий қилиш бўйича тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда фуқароларга эски нусхадаги паспортлар 2015 йилнинг 31 декабригача амалда бўлишини эслатиб ўтиш жоиз. Бу давр ичида республикамиздаги эски паспортларни янгисига алмаштириш тўлиқ амалга оширилиши режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда халқаро талабларга жавоб берадиган биометрик паспорт бериш бошланди. Бу муҳим жараённи муваффақиятли тугаллаш учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратилиб, республикамизнинг ҳар бир фуқаросини янги ҳужжат билан таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинади.

Шаҳло БОБОЕВА,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш инспектори

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Муқаддас маскан

Юртимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири оилалар фаровонлиги, тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, оила институтининг жамият ҳаётидаги нуфузини оширишдан иборат. Зеро, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Халқимиз азалдан фарзандлар камолоти учун қайғуриб, оиласининг тинчлиги, фаровонлиги учун курашиб, уни муқаддас даргоҳ сифатида ардоқлаб келади. Бинобарин, жамият, давлатнинг эртанги келажаги — ёш авлоднинг соғлом ўсиши ва камол топишининг негизи, энг аввало, оиладан бошланади.

Оиланинг муқаддаслиги тўғрисида фикр юритар эканмиз, Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу фикрлари моҳиятини чуқурроқ англаб етсак айни муддао бўларди: «Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир». Дарҳақиқат, шундай. Қолаверса, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда унинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституциямизнинг 14-боби 63-моддасида ифодалаб берилгани ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда юртимизда оилаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, оилага доир кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилмоқда. Буларнинг барчаси оилалар нуфузининг юксалишига, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

М.МАНСУРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 7-сонли ДНИ катта нотариуси

СИЗ, АЛБАТТА, ТАЛАБА БЎЛАСИЗ!

Вақт техника тараққиёти билан ўчакишгандек шитоб билан ўтмоқда. Кечагина атак-чечак қилиб, оламга беғубор нигоҳ ташлаб турган гўдак кўз очиб юмгунча мактабни тамомлаб, касб-ҳунар коллежига ҳужжатини топшираяпти — катта ҳаёт учун дастлабки қадамни ташламоқда. Юртимиздаги олий ўқув юртлари остонасида умрнинг янги пиллапоясига умид билан кўз тикиб турган минглаб абитуриентлар эса вақтнинг ҳар сониясини бир мўъжизага менгзашаётир...

Олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, имтиҳон — тест синовлари кунини ажиб интиқлик билан кутган ука-сингилларимизни кўрсам, беихтиёр кўз ўнгимда ўзимнинг ўша вақтлардаги ҳис-ҳаяжоним, беқарор руҳий ҳолатим, иштаҳасиз, уйқусиз кечаларим гавдаланади. Абитуриентнинг имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талаба деган номга сазовор бўлишдан кўра муҳим ташвиши йўқ. Бутун вужуди, борлиғи, ҳатто ўзининг тили билан айтганда, *«ҳаётининг мазмуни»* ушбу орзуси рўёбга ошиши билан боғлиқдек туюлади. Ҳар бир ҳаракатида *«Ўқишга кира олармиканман?!»* деган саволга мурожаат қилаверади. Китобга бош қўйиб ухлаб қолганида, тушларида ҳам шу сўроқ таъқиб қилади, ҳоли-жонига қўймайди... Ногаҳон талабалик гаштини суриб юрган ака ёки опасини учратиб қолса, чуқур хўрсинади, ҳавас билан қараб, орзулар беланчагида тебранади: *«Қандай бахтли одамлар бор-а! Эҳ, мен ҳам уларнинг сафига қўшилсайдим...»*

Абитуриентлик «касаллиги», табиийки, ижодга мойиллиги бўлган ёшларда яна ҳам оғирроқ кечади. Бепоён далаларда қўй боқиб, дарахтнинг соясига ёнбошлаганча, китоб ўқишга киришган, «Ахборотнома»лардаги тестларни ечиб, катта синовга тараддуд кўраётган ўспирин ёки шаҳарнинг шинамгина уйи хоналарида совутгичдан баҳраманд бўлганча, репетитор кўмагида билимлар кўригига жиддий ҳозирланаётган қиз ўй-хаёллари залвори қаршисида дунёнинг энг йирик доираларини ўйлантираётган оламшумул муаммолар ҳам «енгил»дек кўринади. Улар учун атроф-олам фақат ва фақат абитуриентлардан иборат, бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Яқинда таҳририят топшириғи билан бир неча олий ўқув юртларига бордим. Қайси университетга қараманг, барчаси абитуриентлар билан гавжум. Қабул жараёни авжида. Кимдир ҳужжатларида камчилик чиқмай, комиссия назоратидан осонгина ўтганидан шод бўлса, кимнингдир қайтадан суратга тушиш лозимлигини билгач, бироз юраги сиқилган... Аммо ташвишга не ҳожат. Фарзандларига далда бўлиб, ёруғ орзу-умидлар билан Тошкенти азимга бошлаб келган ота-оналар — ташкилотчилар. Юртимиз эртаси бўлган ёш авлоднинг ўқишга, олий маълумот эгаси бўлиб, эл корига ярашга бу қадар кучли интилишини кузатиб, ич-ичимдан қувондим.

...Қабулда ўз навбатини кутиб турган, ўйчан бола эътиборимни тортди. Талабалик бахтига мушарраф бўлиш орзуси уни ҳам ўйга толдиргани билиниб турарди. У билан бир-икки оғиз суҳбатлашдим. Мен унга ҳеч қайси абитуриентга ёқмайдиган саволни бердим:

— Қара, талабгорлар жуда кўп. Кураш жиддий кечиши аниқ. Агар ўқишга киролмасанг, хафа бўлмайсанми?

— Талаба бўлишим шарт! — деди у кескин оҳангда. Менга қовоғини солганча қараб давом этди. — Ўқишга кираман! Нима қилиб бўлса ҳам ўқишга киришим керак!

— Нега? Киролмасанг, осмон узилиб ерга тушмайди-ку. Ҳаёт давом этаверади...

— Йўқ, — деди у. — Ҳаёт тўхтайди. Мен пойтахтда яшаб, ижод қилувчи устоз шоирлар, адиблар билан фақат ўқишга киролсамгина учрашиш имконига эга бўламан.

Шу тобда набирасининг қабулдан чиқишини кутиб турган отахон журналист *(у кўплаб журналистларнинг устози)* суҳбатимизга қўшилди:

— Ижодкор учун ҳақиқий истеъдод ва билим — илк диплом аслида. У ўқиса, олий маълумот эгаси бўлса, яна ҳам соз. Ҳаммага аёнки, меҳнат, тинимсиз ўқиш-изланиш, ўз устида ишлаш одамни камолотга бошлайди. Талабалик бўсағасида турган ижодкор ўғил-қизлар — хоҳ журналист, хоҳ хонанда, хоҳ рассом ёки актёр бўлсин, энг аввало, туйғуларини бир лаҳза жиловлаши, хаёлотга берилмай, олдинда турган синов қанчалик ваҳимали кўринмасин, ўз кучи ва билимига бўлган ишончни йўқотмаслиги лозим. Ишонч ва мустаҳкам билим — абитуриентнинг икки қаноти! Сен кўнглингни чўктирма, ўғлим, ўқишга, албатта, кирасан!

Шу гапдан сўнг бирдан боланинг кўзлари порлади ва мамнун бўлиб кулиб қўйди...

Абитуриентлик — ўзига хос ҳисобот. Мактабда тўққиз йил, коллежда уч йил таҳсил олган ўғил-қизларнинг билими ва амалий кўникмалари қанчалик шаклланган уларнинг тест синовларида жамғарган баллари билан белгиланади. Агар ўқувчининг ўрта ва ўрта махсус таълим «йўллари» кўнгилдагидек босиб ўтилган бўлса, мураккаб саволларга жавоб топишда муаммо бўлмайди. Мабодо тафаккур пойдевори мустаҳкам бўлмаса, ўқувчининг орзулардан тиклаган қасри чўкиб тушиши мумкин. Шу боис, ҳар бир ўқувчи ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, қурби етадиган олий ўқув юртига ҳужжат топширгани ва тайёргарлик жараёнини сусайтирмаслиги энг тўғри йўл, назаримизда.

Бугун улкан ҳаёт остонасида ҳайрат ва илинж билан истиқболга назар ташлаётган ёшларимизнинг илк одими омадли келсин, деймиз. Имтиҳонларга астойдил тайёргарлик кўриб, билимларини бойитган ўқувчиларнинг юзи ёруғ бўлсин.

Азиз абитуриент! Шуни унутмангки, илм олиш йўлида чеккан ранжу машаққатингиз бесамар кетмайди, билимингиз етарли бўлса — мақсадингизга, албатта, эришасиз!

Зоҳиджон ХОЛОВ

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

«Ватан» сўзини эшитганимда беихтиёр болалик хотираларим ёдга тушади. Элас-элас эслайман: кўчамизнинг бошида, йўл четида ул-бул сотиб ўтирадиган уруш фахрийси, содда қилиб айтганда, болаларнинг севимли қаҳрамонига айланган Анвар бобо бўларди. Баъзан ўйнаб юриб, ёнига бориб қолсак, бизларни чумчуқ болаларига ўхшатиб атрофига йиғиб олиб, Ватан бу — менинг киндик қоним тўкилган жой, дея тўлқинланиб гапирар, гоҳ-гоҳида Ватан ҳақида ашулалар хиргойи қилиб берарди. Сўнг кўзларида алланима ялтираб кўринарди. Ўша кўз ёшлар Ватанга бўлган меҳрнинг нишонаси бўлган бўлса, ажаб эмас.

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Ўшанда Анвар бобонинг гаплари маъносини англаб етмаган бўлсак-да, жон қулоғимиз билан тинглардик. Гапирганида унинг тўлқинланиб кетиши, ҳаяжонга тушиши биз учун ечиб бўлмас жумбоқ эди: «Инсонни бу қадар ларзага солган, минглаб танларни оташдай куйдирган қандай сўз бўлди, экан бу Ватан дегани?»

Савол доим жавобсиз қоларди. Йиллар ўтиши билан инсон тафаккури ўсиб бораверарканки. Нималарнидир англаб етгандай, нималарнидир тушунгандек бўларкансан.

Дунёда ўзбекдек содда, орзу-ҳавасли халқ бўлмаса керак. Мана шу орзу-ҳавас мени мусофирликка ундади. Бир олам орзулар ила поездга ўтирдим. У юртимиздан чиқиб кетаркан, қалбда қандайдир ҳис-туйғу — қўрқувми, тушкунликми пайдо бўлди. Манзилга етиб келдик. Йўл азоби бизни ҳолдан тойдирган. Борибоқ кўрсатилган хоналарга жойлашиб, ором олгани ётдик.

Тонг отди. Атрофимга қарайман. Ҳамма нарса ажойиб, мен кутгандек гўзал. Лекин булар тонгги шудринг умри сингари оний лаҳзалар экани хаёлимга ҳам келмаганди. Бир маҳал эшик очилиб, бари-барини саробга айлантирганча, ишчи кийимидаги икки киши кириб келди. Гўё чўпон қўй-қўзиларини олдига солиб ҳайдагандек, бизни ҳам уриб, турткилай-турткилай ишга олиб чиқиб кетишди.

Изтиробли, азобли, аламли кунлар бошланди. Меҳнатни

қилсангу, роҳатини кўрмасанг, кимга кераги бор бундай меҳнатнинг? Қачон тўйиб овқат еганимни эслолмайман. Тановвул қилиш учун бир бўлак қотган қора нон ва ювинди деса бўлаверадиган шўрва беришарди. Бу каби хўрликларни эшитган инсоннинг бадани жимирлаб кетади. Ҳар доим дастурхон атрофида ўтирганимизда болалигим ёдимга тушарди. Болалигимда онам саҳарлаб тандирга нон ёпарди. Ичида, албатта, менга аталган кулча бўларди. Бу ердаги бир бўлак нонни ер эканман, кўзим жиққа ёшга тўларди. Ортга қайтмас дамларни қўмсардим. Оиламни, яқинларимни, Ватанимни соғинардим. Баъзида ўзимга: "Наҳот, тақдиримда ўз юртимда кулча еб юриш эмас, ўзга юртда хору зорликда қотган нон ейиш ёзилган бўлса!" дея савол берардим. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи бир азоб эди.

Ниҳоят, бир амаллаб уйга кетиш имконини топдик. Поезд яна йўлга тушди. Келаётганимда ҳам, кетаётганимда ҳам поезд, назаримда, жуда секин одимлаётганди. Бу ерга келганимга қанчалик қувонган бўлсам, кетаётганимда эса ундан юз чандон севинардим. Қисматимизни Ватандан айро қилмагани учун, юрт соғинчи, юрт ишқини қалбларимизга жо қилгани учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтардим.

Орзиқиб кутилган дамлар келди. Вокзалга кириб келаётганимизда сухандон аёлнинг «Москва — Тошкент йўналишидаги поезд етиб келди», деган овозини эшитиб, севинчдан кўз ёшларимизни яширолмадик. Биров дўқламайдиган, ола қарамайдиган обод ва эркин юртимизга қайтиб келганимиздан қувониб кўзимиздан оқаётган шашқатор ёшларни тўхтата олмадик.

Ватанда сокин тун ҳукмрон эди. Мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олдим. Сўнг уйга кетиш учун йўловчи машинага чиқдим. Ҳайдовчининг гаплари қулоғимга кирмасди. Анвар бобонинг Ватан ҳақидаги ҳикоялари мағзини англаб етгандим. Мана энди Ватаннинг асл, жонкуяр ўғлони бўлишим лозимлигини тушундим. Тўғри, бунга анча вақт керак бўлди. Лекин бу мен учун хайрли якунланди-ку! Борингга шукр Ватан! Тинчлигингга шукур Ватан! Осойишта ва фаравонлигингга шукур Ватан!

Рустам ҲУСАНОВ
Сирдарё вилояти

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ЧАМАНДАГИ «ШУМҒИЯ»ЛАР

Шифокорларни, айниқса, акушер-гинеколог, дояларни одамлар "оқ халатли фаришталар", "нажоткорлар", "саломатлик соқчилари" дея алқайдилар. Инчунин, шундай: улар қил устидаги ҳаётни асрайдилар. Лекин чаппар уриб гуллаган чаманда шумғиялар ҳам учраб тураркан.

Пассуфки, оппоқ халат кийган шифокорлар орасида виждонини мудроқ босганлари ҳам бор. Хива туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-туғуруқ мажмуаси бўлим бошлиғи ва хусусий туғуруқхона мутасаддиси, кимсан олий малакали шифокор Қўзибой Нуримов бир талай ҳаром-ҳариш ишларга бош ҳамда рағбатчи бўлди. Мансаб курсисига ўтирган илк кунлариданоқ қўлини порага узатди. Жарроҳлик столига ётқизилган фуқаро Ш.Каримовани гўёки оғир дарддан халос этиш учун унинг турмуш ўртоғи Н.Ёқуббоевдан 200 АҚШ долларини пора тариқасида олди. Шундан сўнг оналар ва уларнинг оила аъзоларидан товламачилик йўли билан пора олиш унинг учун оддий ва одатий ишга айланди. Яқинлари дардига шифо излаб келган Н.Абдуллаева, М.Саидова, К.Нуруллаева, А.Қуриёзова, Ж.Одилов, Р.Раҳимова, З.Абдуллаева, К.Норбоев, О.Бекниёзова, Я.Мадраимов, Б.Ваисов, Ш.Саидназарова, Р.Базанова, У.Маҳмудов, С.Юсупова, Б.Мадаминова, Р.Матёқубов, О.Боғбекова, К.Рўзметова, Қ.Бобожонов, Г.Каримова, Х.Наборина, Р.Абдиримов, А.Исмоилов ва бошқа кўплаб фуқаролар порахўр шифокорнинг "ўргимчак тўри"га тушди...

Қ.Нуримов ва унинг ҳамтовоқларининг беш йилдан кўпроққа чўзилган жиноий қилмишларига ниҳоят чек қўйилди. Халқимиз топиб айтганидай, кўза кунда эмас, кунида синди. Фуқаро З.Иноятовдан унинг умр йўлдоши Ш.Қўшназарови жарроҳлик усулида даволаш учун 400 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган маҳал тулки тумшуғидан илинди. Маълум бўлишича, жиноятчилар таъмагирлик йўли билан ундирган маблағларнинг жами миқдори 30 миллион сўмга етган. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Суд ва тергов жараёнида жиноий гуруҳ ўз фаолияти асносида даромаднинг янада мўмай, бироқ бир қадар жирканч кўриниши — эндигина туғилган чақалоқларни ўзгаларга нақд пул (бу ҳам пора) эвазига сотиш билан шуғулланиб келгани ўз исботини топди. Маълумотларга кўра, 8 нафар бола одам савдоси қурбони бўлган, бундан келган 15,6 миллион сўм пул эса шифокорнинг оқ либосини қора доғга чаплаган кимсаларнинг чўнтагига келиб тушган.

Қ.Нуримов жиноий кирдикорларининг илк куниданоқ ўзи каби олғир кимсаларни ўз атрофига йиққан. Пул эвазига жарроҳлик амалиёти ва бола савдоси билан боғлиқ жами 150га яқин жиноий хатти-ҳаракатларда унинг яқин қариндоши, туғуруқ мажмуасида ординатор-врач вазифасида ишлаган Анвар Нуримов, ҳамшира Муяссар Раҳмонова, Қўшкўпир туман Тиббиёт бирлашмасида кичик тиббий ходим бўлиб ишлаган Саломат Машарипова, вилоят Перинатал маркази 2-туғуруқ бўлимининг акушер гинекологи Бахтиёр Ҳабибовлар ҳам қатнашган.

Бу ҳаёт-да, кимдир шайтон васвасасига учиб, нафс балосига қул бўлиб гуноҳ ишга қўл уриши мумкин. Гарчи ким бўлса-да, қилган ишидан минг пушаймон бўлади. Виждон азобида қолади. Дийдаси қотган, виждонини йўқотган кимса эса бундай туйғудан мосуводир.

Судда Қ.Нуримовдан ўзи ва бошқарган гуруҳнинг қилмишлари учун изоҳ сўралди. У эса уялмай: "Бизга юқоридан молиявий ёрдам кўрсатилмайди, шунинг учун одамлардан пул олишга мажбур бўлганмиз, йиғилган маблағларни доридармон ва бошқа зарур нарсаларни харид қилиш ҳамда таъмирлаш ишларига харжлаганмиз", деди. Ваҳоланки, фактлар келтирилган важнинг ҳақиқатдан мутлақо йироқ эканлигини кўрсатди. Нуримов давлатдан мадад олмадик, дея таъкидлаган 2008 йили биргина ушбу туғуруқхонанинг ўзига муассасанинг эҳтиёжлари назарда тутилган ҳолда 472,5 миллион сўм, 2009 йили 377,5 миллион сўм, 2010 йили 731,8 миллион сўм пул ажратилгани, бахтиёр оналик ва бахтли болалик учун давлатимиз ғазнасидан харжланган маблағлар ҳажми кейинги 1,5 йил ичида янада ортган ва бу пулларнинг бари айбланувчи тилга олган мақсадларга тўла сарфлангани маълум бўлди.

Ҳамид Қурбонов туман Тиббиёт бирлашмасига 2 йил — 2008 йилнинг 27 августидан 2010 йилнинг 2 сентябригача раҳбарлик қилди. Суд ва тергов ҳужжатларида қайд этилишича, у мансаб курсисига ўтиргач, орадан кўп ўтмай Қ.Нуримовни ишдан бўшатишини айтиб, унга зуғум ўтказган. "Ёшулли" унинг хурмача қилиқларидан хабар топмаганида, балки, бундай йўл тутмасмиди?

Бош шифокорнинг ишдан бўшатишга қаратилган таҳдиди Нуримовни ҳушёр торттирди. Хабарни эшитгани ҳамоноқ бошлиқ ҳузурига ошиқди, чўнтагига солиб келган 1000 "кўк"ини "Хизматингиздамиз, ёшулли", дея унга узатди. Силлиқкина ўтган ушбу "операция" Қурбоновга поранинг "ҳадиси"ни олишда хўп ва кўп "сабоқ" бўлди. Тобе ходимлардан пул шилиш усули пухта ўзлаштирилди. Пировардида, ўрганган кўнгил ўртанса кўймас қабилидаги воқеалар содир бўлди. Бошлиқ 2009 йил бошида Қ.Нуримовни яна йўқлади ва бу гал ҳам ишдан бўшатаман, дея дўқ урди. Бундай оҳангдаги "дағдаға" кутганидек яна ўз мевасини берди. Энг муҳими, "ов" аввалгисидан анча баракали бўлди. Қ.Нуримов томонидан берилган 5 минг АҚШ доллари чўнтагини қаппайтирди. Ишдан бўшайсан, деса пул унишини яхши билган бошлиқ орадан бир ой ўтмаёқ, "ҳунари"ни яна ишга солди. Қ.Нуримов ҳам анойилардан эмас. "Ҳадя" миқдорини бу гал аввалгисидан бирваракайига икки карра оширди. "Топганда қайтарарсиз, ёшулли", дея нақд 10 минг АҚШ долларини бошиқнинг чўнтагига жойлади. 2010 йилга келиб, "ёшулли"нинг ҳакалак отган нафси яна пора қўмсади. Туғуруқ мажмуаси мутасаддиси яна "ёшулли"нинг ҳузурига чақирилди ва бу галги ташриф бошлиққа 1000 АҚШ долларини "тортиқ" этиш билан якун топди.

фельетон

Суд чоғи Ҳ.Қурбонов Тиббиёт бирлашмаси жами 20 та бўлимдан иборат экани ва на ушбу бўлимларни бошқараётганлар, на бошқалардан бирон сўм пора олмаганлигини таъкидлади. "Ёшулли" биргина Қ.Нуримовнинг ўзидан икки йил мобайнида жами 24,5 миллион сўм пул ўмаргани назарда тутилса, унинг суддаги бу баёноти ҳақиқатдан нечоғли узоқлиги аёнлашади. Бинобарин, ўз кўрсатмаларида беайблигини кўп бора пеш қилган муассаса раҳбарининг молиявий масъуллиги билан боғлиқ ҳолатлар ҳам атрофлича ўрганилди. Тафтиш тадбирлари Ҳ.Қурбонов муассасага раҳбарлик қилган икки йил ичида давлат манфаатларига нақд 18,3 миллион сўм миқдорида молиявий зиён етказилганлигини аниқлади.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Суд жараёнида айбланувчи Қ.Нуримов, Ҳ.Қурбонов, А.Нуримов, Б. Ҳабибов, ўз қилмишларига қисман, М.Раҳмонова ва С.Машарипов эса тўла иқрор бўлди. Судланувчилар Республика Жиноят кодексининг одам савдоси, валюта бойликларидан ноқонуний фойдаланиш, мансаб суиистеъмоллиги, порахўрлик, товламачилик сингари кирдикорлар учун кўзда тутилган 135, 177, 207, 210, 214-моддаларининг турли қисм ва бандлари билан айбдор деб топилди.

Ҳа, адолат қарор топди. Аммо масаланинг кишини мушоҳадага ундайдиган бир жиҳати бор. Суд материаллари билан танишар эканмиз, масъул лавозимли шахс — судланувчи Қ.Нуримов ўз иш фаолияти давомида деярли пора олиш билан шуғулланганига амин бўлдик: «2008 йил 25 октябрь, 2008 йил 27 ноябрь, 2008 йил 13 декабрь, 2008 йил 14 декабрь, 2008 йил 22 декабрь, 2008 йил 31 декабрь, 2009 йил 17 январь, 2009 йил 18 январь, 2009 йил 27 январь, 2009 йил 28 январь, 2009 йил 1 февраль, 2009 йил 7 феврал, 2009 йил 8 февраль...» Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин! Қизиқ, Қўзибой Нуримов ва унинг "қон"дошлари йил-ўн икки ой таъмагирлик, порахўрлик билан машғул бўлса-ю, соҳанинг мутасадди раҳбарлари бундан бехабар бўлса?! Туғуруқхонадай фариштали даргоҳда жиноятчи тўдалар 2 йилу 2 ой мобайнида кўланкаси майдон бўлиб, жиноий фаолият юритсалару, наҳотки, биров уларнинг мушугини пишт демаса?! Яхшиямки, ҳушёрроқ хизмат вакиллари бор.

Вақт — олий ҳакам. Балки, вақти келиб Нуримов ва унинг жиноий шериклари қилмишларидан афсус, надомат чекишар, мудроқ виждонлари уйғонар, ҳалолликдай буюк неъматни ихтиёр этишар. Аммо оқ либосдаги "қора доғ"ни ювиш осон бўлармикан...

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИДА

ЎТАЁТГАН ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида фаолиятимизга назар ташлаб, эришилган марралардан ғурурланиб турибмиз. Ўтган давр мобайнида эл-юрт манфаатлари йўлида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўзлигини намоён этмоқда. Бундан, албатта, матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳаси ҳам мустасно эмас.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари ҳам бошқа соҳалар каби айнан истиқлол билан бирга мустақил тараққиёт йўлига кирди. Зеро, илгари ҳеч қачон соҳа ривожига ҳозиргидек катта эътибор берилмаган. Бугун ўзбек матбуоти мустақил ватанимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасидаги холис воситачи сифатида фаолият юритаётган экан, бу аввало, истиқлол шарофатидандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир фуқаро фикрлаш, сўз ва эътиқод, шунингдек, истаган ахборотини излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, деган нормасига (67-модда) мувофиқ, мустақиллик йилларида ўндан зиёд қонунлар ва қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. ОАВни ривожлантириш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилган бу саъй-ҳаракатлар сурхондарёлик ижод аҳлини ҳам янада илҳомлантирмоқда, десам муболаға бўлмайди. Бугунги кунда вилоятда 32 номда газета, 7 та журнал чоп этилмоқда, кўпгина телерадиоканаллар ўз кўрсатув ва эшиттиришларни халқимизга тақдим қилмоқда.

Воҳа журналистлари ҳам мамлакатимизда кечаётган улкан бунёдкорликлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий янгиланишлар жараёнида фаол қатнашмоқда. Қалами ўткир, изланувчан касбдошларимиз ижодий маҳсулотларининг нафақат вилоятимиз, балки мамлакат миқёсидаги эътирофи ҳаммамизга ифтихор бағишламоқда. Бинобарин, ўтган йил биз учун баракали кечди. Ўн нафар журналист "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирланди. "Аёл ва замон" газетасининг бош муҳаррири, таниқли адиба Жамила Эргашева "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, ҳамкасбларимиздан Рустам Давлатов, Дилфуза Зарипова ва Элёр Гўрўғлиев "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти" каби нуфузли танловларда совринли ўринларни қўлга киритишди. "Янги авлод — 2011" республика болалар ижодиёти фестивалининг публицистика йўналишида иқтидорли ёш қаламкаш Дурдона Эшмуродова биринчи ўринни эгаллади.

Миллий матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш масаласи журналистлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, қимматли фикр-мулоҳазалар билдирди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил ривожига кўмак бериш жараёнида, шубҳасиз, журналистларнинг ўрни ва роли муҳим. Ахир, ОАВнинг "тўртинчи ҳокимият", журналистларнинг жамиятнинг илғор ва фаол кишилари сифатида таърифланиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам халқимиз биз — журналистлардан жамият ҳаёти, унинг ютуқлари, муаммолари, уларнинг ечимлари ҳақида холис, тезкор ва юксак профессионал-таҳлилий материаллар кутишга ҳақли.

Бугун тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдига ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда. Улар, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ижодкордан доимо изланишни, маррани баланд қўйиб, ҳаёт воқелигини ҳаққоний ва холис акс эттиришни, ўзини аямасдан, профессионал билим ва савиясини, маҳорат ва тажрибасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлашни, ўз касбига садоқатли бўлиш, эскича қараш ва аломатлардан воз кечиш учун бошқаларга нисбатан олдинги сафда бўлиш, виждон амри билан яшашни талаб этади. Оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, аввалambор, одамлар манфаатларининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса бу ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳада том маънода фидойилик кўрсатиши лозим. Бу, албатта, бесамар кетмайди. Чунки телеэкран орқали айтилган икки оғиз сўзни озмунча томошабин эшитиб-кўрадими? Радиони озмунча инсон эшитадими? Вақтли матбуот нашрларини қанча ўқувчи ўқиб, мушоҳада қилади?

Шу боис ҳам ижодий муҳит ва баҳс-мунозаралар ҳар бир таҳририят, ҳар бир журналист фаолиятида муҳим ўрин тутади. Шу маънода ОАВда тақдим этилган материаллар ҳамиша диққатимиз марказида, уларни мунтазам таҳлил этиб, ютуқ-камчиликларини кўрсатиб борамиз. Хусусан, ўтган йили уюшма томонидан Термиз, Ангор, Қизириқ, Сариосиё туман газеталари таҳририятлари фаолияти ўрганилиб, уларга тегишли тавсиялар берилди. Шу йил февраль ойида ҳамкасбларимиздан етти нафари пойтахтда ўтказилган "Ҳудудий босма ОАВда фаолият юритаётган ёш журналистларнинг республика марказий нашрларида малака ошириши лойиҳаси"да иштирок этиб, малака тўплади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир неча йилдан буён амалга ошириб келинаётган ушбу лойиҳа ёш журналистларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур фонд билан ҳамкорликда рўёбга чиқарилаётган "Ҳудудий таҳририятлардаги журналистларнинг компьютер саводхонлигини ошириш" лойиҳаси ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Таъбир жоиз бўлса, журналистларни давр ҳаётини объектив ва мукаммал битиб қолдираётган солномачилар, дейиш мумкин. Улуғ мақсадлар йўлида уларнинг бошини қовуштириш, ҳамиша фаолликка даъват этиш бизнинг асосий вазифамиз ва бурчимиздир. ОАВ ходимларининг замонавий билим-кўникмаларини мустаҳкамлаш, малакаларини ошириш мақсадида ўтказилаётган турли тадбирлар, семинар ва давра суҳбатлари бунда қўл келаётир. Шу маънода давлатимиз раҳбари табригида матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш, энг муҳим чиқишларга жамоатчилик эътиборини қаратиш учун, биринчи навбатда, самарали фаолият кўрсатадиган аниқ тизим ташкил қилиш таклифи алоҳида таҳсинга лойиқдир. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳар чорак якуни бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг долзарб, энг ўткир материалларни алоҳида қайд этиб, баҳолаб, бу ҳақда матбуотда хабар бериб бориши тавсия этилди. Бунда, айниқса, таҳлилий ва танқидий чиқишларга алоҳида аҳамият берилади. Бундай муносабат, журналистлар оғир меҳнатининг эътирофи бўлиши билан бирга, айни шу материалларда ўртага қўйилган муаммоларни ечишга жамоатчилик эътиборини жалб қилишда ҳам муҳим ўрин тутади. Албатта, бу борада кўзда тутилган барча ишларни амалга ошира бориб, миллий матбуотимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Чори ЖУМАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси

ХАБАР

Ғолибларга сертификатлар топширилди

Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари" мавзусида анжуман ташкил этилди.

Мутасадди ташкилотлар, Олий Мажлиснинг Қуйи палатаси депутатлари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида белгиланган янги жамият, янги ҳаёт барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, иқтисодиёт ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этиш, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича йўналишни белгилашдаги ОАВ роли ва аҳамиятини мустаҳкамлашга доир муҳим вазифалар муҳокама этилди.

— Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон медиа соҳасининг жадал ривожланиши, айниқса нодавлат ОАВ сонининг кўпайиши кузатилмоқда, — деди тадбирда сўз олган Республика Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Бугун рўйхатга олинган миллий оммавий ахборот воситалари сони 1290 тага етди. Соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича давлат дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши фақат сўнгги 5 йил давомида миллий ОАВни 2600 дан ортиқ юқори малакали ёш журналистлар билан таъминлади. Бу эса таҳририятлар салоҳияти, уларнинг глобал ахборот маконидаги рақобатбардошлигини сезиларли равишда оширди.

Тадбирда қайд этилганидек, бугун ахборот соҳасини демократлаштириш борасидаги долзарб вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари фаол иштирок этмоқда, уларнинг фаолияти ОАВни янада либераллаштириш, фуқароларнинг демократик ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини таъминлашга қаратилган.

Фақат 2008-2012 йилларда мамлакатимиз давлат бюджетидан давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидиялар шаклида нодавлат ОАВни қўллаб-қувватлашга 5,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Анжуман давомида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган "Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, журналистларнинг касб маҳоратларини такомиллаштириш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар сиёсати ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий онгини юксалтириш" мавзусидаги 18-грант танловининг ғолибларига сертификатлар топширилди.

Тадбир якунида «Жамият» газетаси ва «Yurida Nysa» МЧЖ томонидан тайёрланган «Босма ОАВнинг олтин диски» лойиҳасининг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Газетани маънан эл олдига ёзиладиган дастурхонга қиёслаш мумкин. Ундан ҳар ким кўнгли тусаган ноз-неъматларни олади. Шу боис, дастурхон ранг-баранг ва кўркамроқ бўлгани маъқул.

Ёзёвон тумани Фарғона водийсининг қоқ марказида жойлашгани боис, бу ерларни кўпинча Марказий Фарғона деб ҳам аташади. Бевосита, туман газетасининг номи ҳам шунга боғлиқ — ўтган асрнинг ўрталарида нашр этила бошланган «Марказий Фарғона» газетаси ўз муштарийлари орасида оммалашиб бормоқда.

— Келгуси йили газетамизнинг биринчи сони чоп этилганига олтмиш йил тўлади, — дейди газета бош муҳаррири Азимжон Ҳудойқулов. — Ортда қолган йиллар давомида бу даргоҳ қанчадан-қанча ихлосманд қалам аҳлини ўз бағрига олмади, дейсиз. «Ёзёвон журналистика мактаби»ни ўтаган Одилжон Жалолов, Бўрибой Омонзода, Қодирали Аҳмадалиев, Алишер Тошқулов, Умаржон Исмоилов ва бошқа ҳамкасбларимиз айни пайтда турли нашрларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

Айтиш жоизки, «Марказий Фарғона» газетаси таҳририяти ўзининг шинам биносига эга бўлиб, ходимларнинг хоналари сўнгги русумдаги компьютер ҳамда замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Нашрнинг қизиқарли ва замон талаблари даражасида нашр этилишида Малик Бойматов, Исоқжон Каримов, Улуғбек Умаров каби малакали журналистлар ва улар билан ёнма-ён меҳнат қилаётган компьютер устаси Авазбек Усмонов ҳамда дизайнер Азизбек Мадраҳимовнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН!

Тадбирнома

Мухбир учун нима кўп, тадбир кўп. Танишларимни ўшандай анжуманларда учратиб қолсам, бир мультфильмдаги учирма гап эсимга тушади. Қитмирлигим тутиб: «Сен буюк тадбиршунос бўлиб етишасан!», дея кесатиб ҳам қўяман.

Автобусга чиқиб, катта бир ташкилотнинг навбатдаги матбуот анжуманига борарканман, «Йиғилишдан газетада ёритишга арзийдиган бирор нима оламанми?», деган саволга жавоб излайман. Ахир, хўжакўрсинга ўтказиладиган тадбирлар ҳам озми?

Ташкилот биносига кира туриб, йўлакчада тош, ғишт ва бетон уюмларига дуч келдим. Носоз йўлакчадан эсон-омон ўтиб олгач, накд қурилиш биносига рўпара бўлдим. Ажабланмадим. Чунки ташкилотнинг аввалги тадбирларидан бирига келганимда ҳам мана шундай «тўсиқлар»дан ўтишга тўғри келганди. Қурилиш дегани ҳам шунча чўзиладими? Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, ҳеч нарса ўзгармапти.

Ё, тавба! Ташкилот олтой ботни шундайлигича ўқиб беришса-я! Зерикиб, эснаб ўтирдим. «Пресс-конференция» учун бирор янгилик бўлиши керак эмасми? Худди шу мавзуда савол бераман, деб тургандим, ҳисоботни ўқиб бераётган бошлиқ ўринбосарини «юқоридан» чақириб қолишди ва у биздан узр сўрай-сўрай чиқиб кетди. Йиғилганлар бир-бирига қараб олишди. Сабаби, ўтган сафарги йиғилишда ҳам худди шундай бўлганди.

У кетгач, раҳбарини кузатиб қайтган матбуот хизмати бошлиғи ҳансираганча ҳисоботни келган жойидан ўқий бошлади. Қайсидир ҳамкасбим унга луқма ташлади: «Келган жойига белги қўйиб кетдилар!» Зум ўтмай матбуот хизмати етакчиси ҳам ўзининг «ўта банд одам» эканини исботлади: ёрдамчиларидан бири қўл телефонини олиб келиб, унинг қулоғига тутди. «Нотиқ мезбон» чеккароққа ўтиб, кимгадир бир нималарни тушунтирган бўлди. «Меҳмон»лар тағин бир-бирларига изтеҳзоли қараб олишди ва «ҳурматли мезбоннинг иззати битиши»ни кутиб ўтиришдан бошқа чоралари қолмади...

Шунча томоша етмагандай, бахтга қарши, пресс-релиз ҳам тугаб қолибди. Балки биттагина топилиб қолар, деган илинжда йиғилишни тамомлаб «пешонасидан терини сидираётган» матбуот хизмати раҳбарига юзландим. Аксига олиб, «ксерокопия», «принтер» масаласи уларда «катта муаммо» экан. Хуллас, ҳеч нарсасиз тадбирдан ҳеч нарсасиз қайтдим ва ... газетанинг мазкур тадбир учун ажратилган саҳифасига ушбу тадбирномамни битдим.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

ДАРАКЛАР

“TOYOTA” ЎЗИБ КЕТДИ

Жорий йилнинг 6 ойлик натижаларига кўра, Япониянинг “Toyota” компанияси автомобиль сотиш бўйича “General Motors” концернидан ўзиб кетиб, яққол пешқадамга айланди. Бу ҳақда “The Detroit News” нашри хабар тарқатди.



“Toyota” ярим йил мобайнида дунё бўйлаб 4,97 миллионта машина сотишни уддалади. Шу тариқа, 4 йил олдин автомобиль сотиш бўйича ўрнатган рекордини (4,81 миллионта) янгилади. “General Motors” компанияси пешқадамдан 300 мингта машина камроқ сотиб, кейинги ўринни банд этди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, энди йил сўнггига қадар рақобатчи компанияларнинг ҳеч бири “Toyota”дан ўзиб кетолмайди.

2010 йилги натижаларга кўра, “Toyota” 8,42 миллионта машина сотиб, бу борада тенгсиз эканлигини исботлаганди. Аммо кейинги йил “General Motors” концерни 9,03 миллионта машина билан биринчи ўринга кўтарилган, “Toyota” 4-ўринга тушиб кетганди.

ҚАЛЛОБ ШИФОКОРЛАР

“France-Presse” ахборот агентлиги Германиядаги Геттинген шифохонасининг икки нафар ходими тана аъзоларини ноқонуний трансплантацияси билан шуғулланганликда гумон қилинаётгани ҳақида хабар берди. Шифокорлар, маълум бўлишича, икки йил мобайнида мижозлардан пора олиб, ҳужжатларни, тиббий таҳлил жавобларини сохталаштириш эвазига навбатсиз операциялар ўтказишган.

Прокуратура ходимининг сўзларига қараганда, айбланувчи жарроҳларга нисбатан 23 нафар беморнинг ҳужжатларини сохталаштириш ва порахўрлик айби қўйилган, айни пайтда суриштирув ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, маҳаллий прокуратура ходимлари мазкур ноқонуний жарроҳлик амалиётлари кимнингдир ўлимига сабаб бўлган, деб тахмин қилишмоқда. Чунки бу икки шифокор айрим мижозларни алдаб, уларнинг жигар ва буйраклари яроқсизлигига ишонтиришган.

ИСПАНИЯ ИҚТИСОДИЁТИ ОҒИР АҲВОЛДА

Расмий маълумотларга қараганда, айни пайтда Испания аҳолисининг ҳар тўртинчиси, яъни 5 миллион 700 минг киши ишсиз. Жорий йилнинг апрель ойидан июнь ойигача бўлган муддатда мамлакатдаги ишсизлик даражаси 24 фоизга ошган. Бундай рекорд кўрсаткич мамлакатда сўнгги 40 йилдан буён кузатилмаганди.

Мамлакатдаги йирик банк-молия муассасалари қийин аҳволга тушиб қолган. Масалан, жорий йилнинг дастлабки олти ойи давомида юқори мавқега эга бўлган “CaixaBank” даромадлари 166 миллион еврога, “Santander” банкининг даромадлари эса 330 миллион еврога қисқаргани айтилмоқда.

Испания иқтисодиёти ана шундай оғир инқироз ҳолатини бошидан кечираётган бир пайтда мутахассислар вазиятнинг янада ёмонлашишини тахмин қилишмоқда.

ТЎРТ АСРДАН СЎНГ ПЕШҚАДАМЛИК ҚЎЛДАН КЕТДИ

Гонконглик аёллар энг узоқ умр кўриш бўйича ўртача 87 ёш билан пешқадамликни қўлга киритишди. Улар мазкур йўналишда тўрт асрдан буён ўз ўрнини ҳеч кимга бермай келаётган япониялик аёлларни илк бор ортда қолдиришди.

Маълум бўлишича, Япония аёллари ўртасидаги узоқ умр кўриш кўрсаткичи 0,4 фоизга қисқарган. Мутахассислар мазкур ҳолатни 20 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган ўтган йилги ер силкиниши ва цунами билан боғлашмоқда. Шу билан бирга, «Кунчиқар юрт» аёлларининг ўртача яшаш ёши қисқаришининг яна бир сабаби сўнгги пайтда мамлакатдаги қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг авж олганидир, деб таъкидланмоқда.

Шарҳ

Тинчлик элчилари

ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҚИЗҒИН ВА МУРОСАСИЗ ЎТМОҚДА

Спорт қадимдан то ҳозирги кунга қадар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Лондонда бошланган XXX ёзги Олимпиада мусобақасини жаҳон аҳли катта қизиқиш билан кузатиб бораётгани бежиз эмас. Мусобақа ташкилотчилари ва ахборот агентликларининг маълумотлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Унга кўра, телевидение орқали ўйинларнинг тантанали очилиш маросимини бир миллиардга яқин одам кузатиб борган.



Лондон нуфузли спорт анжуманига 2005 йилдан буён тайёргарлик кўра бошлаган эди. Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишича, Лондон олимпиадасининг харажатлари бошланғич қийматидан икки баробар ошиб кетган. Бу Атлантадаги олимпия ўйинларидан кейинги харажатлар ошиб кетган илк мусобақадир. Чунки 1996 йилда Атланта олимпиадаси ташкилотчилари мусобақа бюджети миқдорини 147 бараварга оширишга мажбур бўлишган эди.

«Bloomberg» ахборот агентлигининг ёзишича, ташкилотчилар олимпиадага тайёргарлик жараёнида инвесторларнинг иштирокига ниҳоятда катта ишонч билан қарашгани, қолаверса, хавфсизлик талабларини кучайтириш чораларини кўзда тутмаганликлари харажатларнинг ошиб кетишига сабаб бўлган. Нуфузли турнирни ўтказишга, «Said Business School» экспертларининг сўзларига қараганда, 13,1 миллиард (8,4 миллиард фунт стерлинг) доллар сарфланиши кутилмоқда. Ваҳоланки, Лондон 2005 йилда Халқаро Олимпия қўмитасига ариза топширганда, мусобақага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун 4,2 миллиард фунт стерлинг сарфланиши таъкидланган эди.

Айтиш мумкинки, «Лондон-2012» мусобақасига катта тайёргарлик кўрилди. Катта маблағ ҳисобига спорт шохобчаларидан ташқари Лондонда 200 гектарлик Олимпия парки ва Олимпия қишлоғини спорт ареналари билан боғловчи, юқори тезликда ҳаракатланиш мумкин бўлган янги трассалар, Темза дарёси устидан 50 метр баландликда, соатига 2500 нафар йўловчини ташиш қудратига эга бўлган осма йўл бунёд этилди. Натижада олимпиадага келган спортчиларнинг 80 фоизи спорт ареналарига 20 дақиқадан камроқ вақт ичида етиб бориш имкониятига эга бўлди. Мусобақаларни кўриш учун чипта сотиб олган ҳар бир спорт ишқибозига исталган жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқи берилди. Олимпиада ташкилотчиларига 70 минг нафар кўнгилли ҳеч қандай ҳақ олмай кўмак кўрсатмоқда. Олимпиада беллашувлари ўтадиган юздан ортиқ объектни кўриқлашга 10 минг полициячи, 5 минг тажрибали қўриқчи ва 13 минг ҳарбий жалб қилинган.

Шу ўринда Олимпиада ўйинлари тарихига тўхталиш фойдадан холи бўлмасди. Маълумки, замонавий кўринишдаги Олимпиада ўйинлари дастлаб Греция пойтахти — Афина шаҳрида ташкил этилган. 1896 йилнинг 6-15 апрель кунлари ўтказилган ўша мусобақаларда ўндан зиёд мамлакат вакиллари спортнинг 9 тури бўйича ғолиблик учун куч синашган. Шунинг учун ҳам анъанага биноан, майдонга биринчи бўлиб Олимпиада ўйинлари ватани — Греция спортчилари чиқиб келади.

Бугунги кунда Олимпиада ўйинлари ер курраси-нинг барча қитъаларидаги спортчиларни беллашувларга жалб этган энг нуфузли ва оммавий мусобақага айланди. Олимпиада ўйинларининг рамзи ҳисобланган 1913 йилда Пьер де Кубертен томонидан ишлаб чиқилган кўк, қора, қизил, сариқ ва яшил рангли бешта халқа Европа, Африка, Америка, Осиё ҳамда Австралия қитъаларининг бирлиги тимсолидир. Олимпиаданинг ана шу бешта халқа тасвирланган оқ байроғи эса тинчлик рамзи ҳисобланади.

Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан мусобақа йўлланмаларини берадиган меъёрий кўрсаткич ва талаблар сезиларли даражада оширилгани боис, Лондон олимпиадасининг саралаш мусобақалари жуда кескин ва муросасиз кечди. Бир неча босқичли саралашдан муваффақиятли ўтган энг кучли спортчиларгина Олимпиада ўйинларида ўз Ватани шарафи учун курашиш ҳуқуқига эга бўлди. Хусусан, 1 миллиард 300 миллионга яқин аҳолига эга Ҳиндистон спортчилари саралаш мусобақаларида 13 спорт тури бўйича 83 та лицензияни қўлга кирита олди, холос. Аҳолиси сони 240 миллионли Индонезия эса Лондонда 8 спорт тури бўйича 22 олимпиадачиси билан иштирок этмоқда. Бу кўрсаткичларни 30 миллионлик аҳолига эга юртимиз спортчилари натижаси билан таққосласак, вакилларимизнинг саралаш мусобақаларида эришган ютуқлари салмоғи нақадар юқори экани яна бир бор намоён бўлади. Албатта, бу Истиқлол йилларида мамлакатимизда соҳа ривожига қаратилаётган улкан ғамхўрлик ва эътибор натижасидир.

Мамлакатимиз спорт делегациясининг ҳар бир аъзоси спортчи сифатида бой тажриба, маҳорат ва салоҳиятга эга. Уларнинг аксарияти халқаро спорт мусобақаларида юқори чўққиларни забт этишга қодир. Бир сўз билан айтганда, олимпиячиларимиз эришадиган натижалар аввалгиларидан кам бўлмайди, дейиш учун барча асослар бор.

Мутахассисларнинг таҳлиллари аввалги икки Олимпиада — 2004 йили Греция ва 2008 йили Хитойда ўтган ўйинлар ўзбекистонлик олимпиячилар учун муваффақиятли бўлгани, эришилган натижа ва кўрсаткичларда катта ўсиш борлигини намоён этди. Эътибор беринг: Грецияда ўтган Олимпиадада ҳамюртларимиз 2 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини жамғариб, умумжамоа ҳисобида икки юздан зиёд мамлакат орасида 34-ўринни эгаллади. Олимпия терма жамоамиз бу кўрсаткич бўйича замонавий ёзги Олимпия ўйинлари ташкил этилган сана — 1896 йилдан буён ушбу мусобақаларда мунтазам қатнашиб келаётган давлатлар — Дания ҳамда Швейцария спортчиларидан ўзиб кетди. 2008 йил Пекинда эса ўзбекистонлик олимпиячилар Олимпия ўйинлари ватани — Греция вакилларини умумжамоа ҳисобида 18 поғона ортда қолдиришди.

Бу гал ҳам спортчиларимиз ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига, Лондондан халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – Истиқлолимизнинг 21 йиллик шодиёнасига муносиб совғалар билан қайтишига ишонамиз.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

АҚШда гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган рейдлар натижасида 91 киши қамоққа олинди, дея хабар тарқатди “Associated Press” ахборот агентлиги.

31 та штатда олиб борилган операция натижасида 29 та лаборатория ёпилган, 36 миллион АҚШ доллари мусодара этилган, катта миқдордаги гиёҳванд моддалар ва уларни тайёрлашда ишлатиладиган хомашё йўқ қилинган.

Гиёҳванд моддаларга қарши курашиш бошқармаси ҳамда бир қатор идоралар ҳамкорлигида ўтказилган рейдларда жиноятчилар қўлга олинган ҳудудлар ҳақида бошқарма веб-сайтида маълумот берилган. Йўқ қилинган гиёҳванд моддалар асосан ўсмир ёшдагилар учун мўлжалланган бўлиб, кичик дўконлар ва интернет орқали сотувга қўйилган.

ЎТ БАЛОСИ

Ҳиндистон жанубидаги Андхра-Прадеш штатида темирйўл ҳалокати туфайли 50 га яқин йўловчи ҳалок бўлди, 20 киши шифохонага ётқизилди.

“Hindustan Times” газетаси тарқатган маълумотларга қараганда, поездда 72 нафар йўловчи бўлган. Ёнғин чиққан вақтда уларнинг аксарияти ухлаётгани сабабли ҳалокатдан бехабар қолишган. Устига-устак, вагон эшикларини ёнғин туфайли очишнинг иложи бўлмаган.

Андхра-Прадеш штати маъмурияти вакилининг маълумотига қараганда, ёнғинга электр токининг қисқа туташуви сабаб бўлган.

ЖАҲОН РЕКОРДИ ЎРНАТИЛДИ

Лондонда ўтаётган XXX ёзги Олимпиада беллашувларида КХДР вакили Ким Ун Гук эркаклар ўртасида штанга кўтариш бўйича 62 килограмм вазнгача бўлган мусобақада жаҳон рекордини ўрнатди. Спортчи 153 килограммли штангани силтаб, 174 килограмм штангани эса зарб билан силтаб кўтаришнинг уддасидан чиқиб, умумий ҳисобда 327 килограмм кўрсаткич билан мусобақа ғолиби бўлди.



Колумбиялик Оскар Альбейро Фигуероа Москера умумий ҳисобда 317 килограмм кўрсаткич билан иккинчи, индонезиялик Ираван Еко Юли худди шу натижа билан учинчи ўринни эгаллади.

Айтиш жоизки, колумбиялик спортчи 177 килограммли штангани зарб билан силтаб кўтариш борасида Ким Ун Гукга нисбатан яхши натижа кўрсатиб Олимпиада рекордини ўрнатди.

ЧАҚМОҚ УРДИ

BBC News тарқатган маълумотларга қараганда, Польша жанубида топилган 4 нафар сайёҳ ўлимига чақмоқ уриши сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Ҳалокат туфайли, чамаси 50 ёшлардаги эр-хотин, уларнинг қизи ва бўлажак куёви ҳаётдан кўз юмган.

Польша ҳукумати айни вақтда сайёҳлар ўлими сабабини аниқлаш мақсадида суриштирув ишларини олиб бормоқда. Қутқарувчиларнинг сўзларига қараганда, чақмоқ уриши натижасида бирданига 4 кишининг ўлиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса экан.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

БУРЧ



Уйимизнинг зиёси, ёнар чироғи

Шу мўътабар кунларда юртимизда муборак рўзаи Рамазон ойи давом этмоқда. Бу ой яхшиликлар, эзгу тилаклар ва дуолар вожиб бўладиган ойдир. Азал-азалдан ҳамюртларимиз Рамазон кириб келиши билан кўпроқ яхшиликлар қилишга, бир-бирларига меҳр-мурувват кўрсатишга ҳаракат қилишган. Айниқса, бу улуғ кунларда нуроний отахон-онахонларимизнинг дуосини олишга интилишган. Мана шу эзгу амаллар ҳали-ҳануз давом этиб келаётир.

Бу оламда онадек меҳрибон, куюнчак ва жонкуяр зот бўлмаса керак. Уларнинг шаънига ҳар қанча мақтов, ҳар қанча таърифтавсифлар айтсак, шунча оз. Агар тарозунинг бир палласига онанинг меҳр-муҳаббати, яна бир палласига эса дунёдаги бор нарсалар қўйилса, шубҳасиз, биринчи палла оғир келади. Оналар бетакрорлигига яна бир далил шуки, фарзанд вояга етиб, ҳаётда ўз ўрнини топганида ҳаёт ташвишига кўмилиб, онасига эътибори қайсидир даражада камайиб борар, лекин она боласидан асло кўнгил узолмайди.

Афсуски, кўча-кўйда, айрим хонадонларда ёшларнинг ўз оналарига бўлган муносабатини кўриб дилинг хира тортади. Қўл-оёғи, тўрт мучаси соғ бўла туриб онасига иш буюради, бўлар-бўлмасга дилини оғритади. Баъзи нодон ва жоҳил фарзандлар бундан она қалбида ўкинч ва оғриқ пайдо бўлишини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу одатлар ғарбона ахлоқ ва "оммавий маданият"нинг таъсирига тушиб қолаётган фарзандларимизда кўпроқ сезилади. Ғарб дунёсида яшаётганлар учун бу муомала, балки, оддий ҳолдек туюлар, лекин бу бизнинг шарқона, ўзбекона қадриятларимизга асло тўғри келмайди.

Ислом динида онасига "уф" дейиш, гапини қайтариш гуноҳ саналган. Қуръони каримда эса оналарнинг мақоммартабаси улуғланиб, юксак баҳоланади: *"Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишни амр этдик. Онаси унга мадорсизлик устига мадорсизлик билан ҳомиладор бўлди, уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда келур. Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин!"*. Қолаверса, кўпчилигимизга маълум ҳадиси шарифларда келтирилишича, бир киши пайғамбаримиз (с.а.в) ҳузурларига келиб, одамлар ичида яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли, деб сўраганида дастлаб уч марта онангга, кейин отангга деганлари ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Биз фарзандлар бўйнида адо этиш лозим бўлган кўплаб она ҳақлари борки, айримлар буни волидасини тупроққа қўйгандан кейин тушуниб қолади, афсус-надомат чекади. Шунинг учун бу меҳр-муҳаббат қалбимизда ўчмас армонга айланмасдан туриб, уларни янада қадрлаб, эъзозлашимиз лозим.

Онамиз уйда экан, ғамимиз йўқ, хотиржаммиз. Уларнинг дуоси сабаб Яратган бизларни турли бало-қазолардан асраб туради. Улар уйимизнинг файзу баракаси, нуру зиёси ва ёнар чироғидир. Лекин бу чироқ ҳам абадий эмас, бир кун келиб у сўнади. Шуни эсда тутиб, борлигида қадрига етсак бўлгани.

Одилхон қори ЮНУСХОН ўғли,
Шайхонтоҳур туман бош имом хатиби

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Зарарни ким тўлайди?

– Фермер хўжалиги раҳбариман. Маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасининг айби билан ўртамизда тузилган шартномани расмийлаштириш кечиктирилди. Натижада етиштирган маҳсулотларимизнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келди. Айтингчи, етказилган зарарни ким тўлаши керак?

Анвар Тўлашев
Тошкент вилояти

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд иккинчи тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бунда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. Шунингдек, Фуқаролик кодексида назарда тутилган баъзи ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортаётган тараф битимни нотариал тасдиқлашни кечиктирганлиги туфайли етказилган зарарни тўлаши лозим.

Саволга Зангиота туман ДНИ нотариуси Зулфия ОСМОНОВА жавоб берди.

Қарз олувчининг тилхати бўлмаса...

– Бир танишим машинасининг ҳужжатларини гаров эвазига қолдириб, мендан катта миқдорда қарз олган эди. Орадан икки-уч йил ўтди, аммо у қарзини қайтармаяпти. Ундан тилхат ёздириб олмаганим учун бундай вазиятда қандай йўл тутишни билмаяпман. Айтинг-чи, у берган гаров ашёси қарз олганини исботлайдими?

Сирожиддин Садриддинов
Тошкент вилояти

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, ёзма шаклда тузилиши шарт. Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Шунингдек, қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Саволга Бўстонлиқ туман ДНИ Замзегул ДУЙСЕНОВА жавоб берди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Имтиёзлар шарофати

Мамлакатимизда рақобатбардош, юқори сифатли озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишдаги янги корхоналар ташкил этиш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа ривожида туб бурилиш ясади. Қарорнинг 8-бандида кўрсатиб ўтилганидек, 2014 йил 1 январгача озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Шунингдек, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини эллик фоизга камайтириш бўйича имтиёзлар қўлланиладиган бўлди. Бу борада туманимизда олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Тумандаги 3 та корхона берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмоқда. Бунинг натижасида 138611,7 минг сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Қарорда кўрсатилганидек, бўшайдиган маблағлар корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, шу жумладан, замонавий лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлаш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, хомашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтирилади.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда юқори сифатли озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Д.ҚОБИЛОВ,
Миробод тумани ДСИ бўлим бошлиғи

ОҒРИҚ

Шунақа ҳам жанг бўларканми, деб ўйлаётгандирсиз. Бўларкан. Бу каби жанглар кийим бозорларида онда-сонда бўлса-да, учраб тураркан. Яқинда "Чилонзор" буюм бозорининг кираверишидаги "бозор-ринг"да мана шундай баҳснинг гувоҳи бўлдик.

«Қудалар жанги»

Чошгоҳга яқин икки башанг аёл, уларга эргашган йигит билан қиз арининг инидек гувиллаб турган бозорга кириб келишди. Хушчақчақлигига, бир-бирига қилган муомалаларига қараганда бўлғуси қудаандалиги шундоқ сезилиб турарди. Ҳойнаҳой, улар бўлажак келин билан куёвни кийинтиргани келган бўлса керак. Уларнинг муносабатлари ҳавас қиларли эди. Оғизларидан бол томиб бозор оралашга тушдилар.

Бир пайт улар ўтиб кетган томонда аёлларнинг бақир-чақир овозлари эшитила бошланди. Бекорчи хўжалар томошага йиғилди... "Қудалар бир-бирини "қайириб олишни бошлади" деди кимдир. "Қиз томон синдиради" деди бошқаси... "Йигит томон ҳам анойи эмас кўринади. Ҳозир кўрамиз қайси томон синишини". Ҳа, одамлар... икки бегуноҳ кўнгилнинг чил-чил синганини кўришди. Ҳалигина биз ҳавас қилган қудалар ўртасида даҳанаки жанг анчагача давом этди. Томонлар бир-бирини истеъмолда йўқ сўзлар билан шунақанги сийлашардики, тилга оладигани "пасткаш" сўзи бўлди. Бу курашнинг "рефери"лари сотувчи аёллар бўлиб, икки тарафни тинчлантириш билан овора. Йигит билан қиз ҳам ҳакамлик қилиб кўришди. Бўлмади. Қиз "ўша кўйлакни олиб берганингизда ҳеч гап йўғиди" дея қовоғини солиб олди. Йигитнинг аҳволи танглашди.

Савдогар опаларимизнинг айтишича, бу каби воқеалар кейинги пайтларда тез-тез содир бўлиб турибди. Ҳатто яқинда икки қуда хафалашиб тўйни қайтаришгача бориб етибди. Тавба, биргина кўйлак, мато деб бўлғуси қудалар орасига совуқлик тушса-я?!

"Келин-куёвларни кийинтириш" яқин йилларда авж олди. Бир пайтлар момоларимиз келин сарпо йиғишда "олти ёшдан йиғсанг ортади, етти ёшдан йиғсанг етади" нақлига амал қилишган. Аммо ҳозирги модалар замонида кийимларнинг услублари шунчалик тез ўзгараяптики, бир йилда эскириб қолмоқда. Қиз бола сарпосида энг сўнгги модадаги кийиму матоларнинг бўлишини хоҳлайди. Гап тамом!

Аёлларимизнинг ҳисоб-китобига кўра, айни дамда келиннинг сарпоси учун камида 2 миллион сўм, агар танлаб кийинаман деса, ундан да кўпроқ пул кетар экан. Тилла тақинчоғу мебелларни қўя туринг. Айрим ҳолларда қизлар келин кўйлак — оқ либосни "прокат"никини, биров кийганини киймайман, деб қолса, куёв шўрлик бир марта кийиладиган кийимни 2-3 миллионга сотиб олишга мажбур.

Яқинда худди шу каби воқеа маҳалламизда ҳам рўй берди. Куёв келинга оқ либосни олиб бераман деб бир кишидан икки ярим миллион сўм қарз олган экан. Тўй ўтганидан сўнг қарзини бераверамагач, унинг хонадонига дод-вой қилиб келди. Буни бутун қўни-қўшни кўрди. Бир кўйлакни деб маҳаллага гап бўлгани қолди шўрликнинг.

Куёвларимизнинг кийиниши ҳам келинникидан қолишмайди. Қиз томонга уни олиб бер, буни олиб бер, дейишларга, ҳатто қайноналар олдида уялмасдан ички кийимлар олишига нима дейсиз. Бир танишимнинг айтишича, узоқроқ қариндошининг тўйида куёв тарафга 12 та сарпо жўнатишибди. Куёв тараф эса 15 та бўлсин, дея қайтарибди. Йигитда бироз ор-номус, йигитлик ғурури бўлганида шундай деярмиди?

Бу каби воқеаларни эшитиб ўйланиб қоласан киши. Тўй дегани хурсандчилик, ўйин-кулгу бўлса. Бу кетишда бора-бора машмашага айланади, шекилли. Бир пайтлар қудалар орасида мебель қилиш, парда тиктириш, уйни безатиш ва қўша-қўша сарпо жўнатиш деган нарса йўқ эди. Келин тараф ҳам, куёв томон ҳам имкон қадар бир-бирига туҳфа қиларди. Келинни, куёвни бозорга олиб чиқиш деган одатлар бўлмасди. Қиз бола тўйдан олдин қайнона-қайноталарига кўринишидан уялиб ҳаё сақларди. Куёв ҳам. Бугун эса, бир қараганда, умр савдоси бозорларда ҳал бўлаётгандек. Ёш оиланинг бахтини ўша қиммат мебель ёки қўша-қўша сарполар ҳал этмаяптими? Бахт уйи меҳр-муҳаббат, хурмат-иззат устунлари билан барпо этиладику. Уни моддият асосига қуриб бўлмайди, ахир! Бу ҳақда ўйлаб, чуқурроқ мулоҳаза юритсак, ёмон бўлмасди, азизлар.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ТААССУФ

Одамзот дунёга бахтли яшаш учун келган, десак адашмаймиз. Дунёдаги жамики мавжудотларга берилмаган онг ва ақлнинг айнан инсонга туҳфа этилгани бунга асос бўла олади. Лекин баъзи иллатлар борки, ўз бахти томон одимлаётганларни лоҳас қилади, силласини қуритиб, ҳаётдаги мақсадини унутиб қўйишга сабаб бўлади. Спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўйиш ҳам шулар жумласидандир.

Нега ичасиз?

Бир куни жиянимни боғчадан олиб келаётганимда йўлда бир маст кишини учратдик. Унинг қовоқлари осилиб, юзи бужмайган, ўзини ва хатти-ҳаракатини бошқаролмас, ҳали ўнгга, ҳали чапга гандираклашидан худди йўловчиларнинг йўлини тўсишга ҳаракат қилаётгандек таассурот уйғотарди. Тўрт яшар жияним буни кўриб чинқириб йиғлаб юборди. Уни овутиш учун айтган сўзларим ҳавога учди. Боланинг кўзлари қўрқувдан ёниб турарди... Афсуски, бундай маст-аластларни кўча-кўйда онда-сонда учратиб турамиз. Баъзан йўл четларида думалаб ётганларига ҳам кўзимиз тушади. Таъбир жоиз бўлса, улар маънавий қиёфасидан маҳрум бўлган кимсалардир.

Ичкиликка муккасидан кетишни яхши фазилатларга эшикни беркитиб, ёмонларига очиб беришга ҳам қиёс этса бўлади. Маълумки, ичкилик одамни гаранг қилади, ҳамма нарсани унуттириб, сохта хурсандчиликка бошлайди, жазавага солади, киши қанчалик саёз, ўз қобиғига ўралиб қолган бўлса, бу гаранглик ва жазава унга шунчалик ёқади. Бу фикрлар машҳур файласуфлардан бирига тегишли.

Хўш, қачон ичкиликка эҳтиёж туғилади? Қийинчиликдами? Хурсандчиликдами? Дардни рўкач қилиб ҳам, шодлигидан севиниб ҳам... Наҳотки, ғамалам қултум май ичганда қўшилиб йўқ бўлиб кетса?! Оний кайф-сафога берилиш, алданиш, унинг қулига айланиш маънавиятли кишиларга асло хос эмас.

Мастлик — ихтиёрий равишда ақлдан воз кечишдир. Қадим замонлардаёқ буюк алломаларимиз ичкиликнинг зарари хусусида асарлар битишган. Уларда айтилишича, "Ичган одам тўрт сифатга эга бўларкан. Дастлаб у товусга айланиб, ўзини кўз-кўз қилади, ҳаракатлари равон ва улуғворлик касб этади. Кейин маймун қиёфасига кириб, ҳамма билан ҳазиллашиб, майнавозчиликка ўта бошлайди. Ундан сўнг эса шерга ўхшаб ўзига бино қўяди, мағрурлиги тутиб, кучига ишониб кетади. Лекин охирида чўчқага айланиб, балчиққа ағанаб ётади". Гарчи бироз нохуш мисол келтирган бўлсам-да, бундай ҳолатларни, менимча, ҳеч ким инкор қилмайди. Кишининг ҳушидан айрилиб қолиши, яхши фикрлардан чалғиши, ақлнинг ўтмаслашиши ҳар қандай юқумли касалликлардан ҳам мусибатлидир.

Қуръони каримда айтилганидек, маст қиладиган ичкилик ичишни Аллоҳ таоло ҳаром қилган. Лекин, афсуски, табаррук рўзаю рамазон кунларида ҳам сархуш юрган кимсаларни учратамиз. Бу ўз имонига болта уришдек гап. Муқаддас китобимизда эътироф этилган фазилатларга риоя қилмаслик инсонни ўзлигидан узоқлаштиради. Қарабсизки, ўша кишининг мисқоллаб йиққан обрўси бир онда ҳавога учади.

Тиббиёт ҳам ичкиликнинг инсон вужудига, унинг насли ва зурриётига бўлган салбий таъсирини исботлаб берган. Баъзилар бир-бирининг "саломатлиги учун қадаҳ кўтариб", ўз саломатлигини йўқотаётганини ё англаб етмайди, ё аҳамият бермайди. Ичкилик таъсирида пайдо бўладиган юздаги қизиллик аслида қон томирларининг фалаж бўлишидан бошқа нарса эмас. Спирт анатомик моддаларни қотиргани каби ичкиликбознинг қалби ва ақлини ҳам ўлдиради.

Яқинда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалиши ва истеъмол қилинишини тартибга солиш юзасидан қонун қабул қилинди. Дунёда жиноятларнинг ўндан тўққиз қисми ичкилик қистови билан қилинишини ҳисобга олсак, мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий меъёр ўрнатилгани, айни муддао бўлди.

Албатта, қўлига май олганнинг ҳаммаси ҳам ичкиликбоз эмас. Аммо майнинг хусусияти шундаки, уни ича бошлаган одам осонгина майхўрга айланиб қолиши мумкин. Бу иллатни ташлаш жуда қийин, деган тасаввур иродасизлик белгиси, бу фикрга бўйин эгмаслик керак. Инсон ўз одатларини бошқара олади, қачонки, хоҳиш бўлса бас. Зотан, ҳар бир киши ўз саодатининг ижодкоридир.

Камола АЛИБЕКОВА

ХОТИРА – АЗИЗ

СЎЗ ЗАРГАРИ ЭДИ

У пайтлар радиокомитетда ишлардим. Мирзакалон ака билан мени раҳматли Рустам Раҳмонов таништирган эди. 1963 йил 15 ноябрда "Ёшлик" радиостанцияси очилди. Бизга Рустам ака бош муҳаррир бўлиб келди. Ҳали кирккa бормаган, этликкина бўлса-да, ҳаракатчан, ғайратли, ширинсўз киши эди. Йирик-йирик ҳарфларда дона-дона қилиб чиройли ёзар, сўзлари саҳифада маржондек тизилиб қоларди. Рустам аканинг жонкуярлиги, ташаббускорлиги, ёшларни ҳаяжонга солаётган муаммоларни дадил баён этиши туфайли радиостанция тез орада машҳур бўлиб кетди. "Ёшлик" ёшларнинг ҳақиқий сирдошига, маслаҳатгўйига айланди. Бунда устоз Мирзакалон Исмоилийнинг хизматлари, айниқса, улуғ бўлди.

Ойма-ой юзлаб хатлар олардик. Бир куни навбатдаги конвертни очдим. Хат эгасининг исм-фамилияси йўқ, фақат «Махфийроз» дея имзо чекибди. Бу ҳаётдан безган, руҳан тушкунликка тушиб, бошини қайси деворга уришни билмай танг аҳволда қолган бир йигитнинг арзи ҳоли эди. Рустам ака хатни ўқидию, "Буни Мирза акага берамиз, домладан жўяли гап чиқади", деди. Эскидан қадрдон бўлганлиги учунми, Рустам ака устозга эркаланиб, Мирза ака, дер эди.

Махфийрознинг дарди дили домлага ҳам қаттиқ таъсир қилган, шекилли, тўрт-беш кун ўтмасдан жавоб ёзиб келдилар. Нома илҳом билан, жўшиб ёзилган эдики, гўё оқил бир зотнинг ўз дилбандига куюниб айтаётган гапини эслатарди. Домланинг хатида таъна ҳам, танбеҳ ҳам, ўгит ҳам, маслаҳат ҳам бор эди: "Эй навқирон йигит! Сенки ҳаётингда илк бор изғирингa дуч келибсан, унга дош беролмай, бош эгиб турибсан. Шу эр кишига ярашиқлими? Инсон умри синовлардан иборат. Одам бошига турли балолар, офатлар, хасталиклар, маломатлар ёғилиши бор. Сен уларга қарши туролмасанг, бир зарбадан мағлуб бўлиб, надомат кўчасига кириб, ётиб олсанг, уят эмасми, ор эмасми, йигитлик ғуруринг, инсон деган муборак номинг қайда қолди?.."

Махфийрозга жавоб тахминан ана шундай ҳассос руҳда битилган эди. Хат эфирга берилгач, тингловчилардан мактублар янада ёғилиб кела бошлади. Домла уларга ҳам ўзига хос зукколик ила жавоб қайтариб турдилар.

Шундай қилиб, Мирзакалон ака билан ота-боладек бўлиб кетдик. У кишининг кўнгли қандоқ очиқ, қандоқ тоза бўлса, дастурхонлари ҳам файзли-барокатли эди. Бу хонадонга худди ўз уйимизга киргандек тортинмай, эмин-эркин кириб бораверардик. Ўрта бўйли, норғул, миқти, қийиқ кўзлари кулиб турадиган устознинг нурли чеҳраси ҳамон кўз ўнгимда.

Мирзакалон ака том маънодаги зиёли эди. Фикрати ҳам, лафзи ҳам, муомаласию одоби, икроми ҳам ўзбекона эди. Эскича таъбир ила айтганда, суратию сийрати уйғун эди, мутаносиб эди. Чархи кажрафторнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини обдон татиган бу муҳтарам зотнинг суҳбатида бир бўлган киши тағин дилдорлашгиси келар, айниқса, биз — ёшларга устознинг кўрган-билганлари улкан маънавий хазина эди.

Талабалик йилларимизда Мирзакалон аканинг китобларини талашиб-тортишиб, ютоқиб ўқирдик. Айниқса, "Фарғона тонг отгунча" романи босилиб чиқдию, адабиёт осмонида Чўлпоннинг "Кеча ва кундузи"га, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлари"га бўйлашадиган яна бир кўркам асар пайдо бўлганини сездик. Роман эл оғзига тушиб, овоза бўлиб кетди. Ҳаётхон билан Ғуломжоннинг аянчли тақдири бизга Кумуш билан Отабекнинг чигал қисматини эслатарди. У пайтлар мен романнинг оҳанрабоси нимада эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўрмаган эканман. Энди ўзимча, шунча йил ўтиб, бу зебо китобнинг "сири"ни очгандек бўлдим: У ёзувчининг қалбида экан. "Фарғона тонг отгунча" ўз эли, ўз юртининг жон томирига юрак қони билан уланган покдил, заҳматкаш, шоиртабиат бир инсоннинг шарҳи дили, завқи, муҳаббати, изтироблари экан. Романдаги кутилмаган истиоралар, мажозлар, қиёслар шавқингизни уйғотади. Она халқининг асл тилини, урфу одатларини қалбига жо қилиб олган адибнинг қувваи ҳафизасига тонг қоласиз.

Бир қаламкаш, бир ўқувчи сифатида имоним комилки, "Фарғона тонг отгунча" асарининг умри узоқ бўлади. У ҳали неча замонлар китобхоннинг завқини тошириб, юрагини потирлатиб, тафаккурини чархлаб яшайверади. Романнинг шу пайтгача олти марта қайта нашр этилгани сўзимиз далилидир.

Домла "Ҳақ сўзнинг гадоси", яъни шайдоси эди. Ўзлари ҳам тўғрисўз эди. Ҳар қандай вазиятда, ҳатто катта мансабдорлар юзига ҳам рост гапни тортинмай айта олар, дағаллик ё миннат билан эмас, ҳалимлик билан, гоҳ эҳтирос, гоҳо фарғонача лутф билан айтар эди.

Мирзакалон ака умрларининг охиригача диёнатга хиёнат қилмади, ёлғон ширидан аччиқ ҳақиқатни афзал кўрди. Камина ёзувчилар уюшмасидаги бир асар муҳокамасида устознинг мулоҳазаларини эшитганман. У кишининг нутқидаги теран таҳлил, ўткир мантиқ, танқиддаги холислик ва муаллифга эҳтиром бизга ибрат сабоғи бўлганди.

Мирзакалон ака шахмат шайдоси эди. Бугунги тил билан айтганда, "мастер класс" даражасида зўр ўйнардилар. Уйларига борсам, бир пиёла чойдан кейин "Қани, икки қўл ташлаймизми?" деб дарҳол шахмат донасини тера бошлардилар. Мен ҳам бу ўйинга ёшлигимдан қизиқардим, ёмон ўйнамасдим. Бироқ "икки қўл" эмас, беш-олти карра суришсак-да, нари борса, дурангга эришардим, холос.

Бир марта уялиб қолдим. Ўша куни омадим келдими, ёки домланинг хаёли паришонмиди, кетма-кет икки марта ютдим. Кейин ўйинни йиғиштириб узр сўрадим:

— Кечирасиз, домла, одобсизлик қилдим...

— Йўғ-е! — деб чиройли кулди Мирзакалон ака. — Бу шунчаки ўйин. Бугун сизнинг отингиз чопди, эртага бизнинг филларимиз ҳам йўрғалаб қолар. Шахмат ҳам ҳаёт ўйинига ўхшаб кетади. Ақлни ишлатиб, тер тўкканинг сари омад келаверади. Қани, чойга қаранг, мулла Саъдулла!..

Етмишинчи йилларнинг бошида "Муштум" журналида ишлардим. Бир куни кўчада устозни учратиб қолдим. Домланинг кайфияти чоғ эди. "Фарғона тонг отгунча" романининг иккала китоби қайта нашр этилаётган экан. Дилдилдан суюндим, муборакбод этдим.

— Ёзганларингизни ўқиб турибман, — деди устоз, — Абдулла Қодирийнинг тилига, услубига тақлид қилаяпсиз. Бу яхши. Лекин майдақадам бўлманг. Энди каттароқ нарсалар ёзишни ўйланг. Тилингиз равон, тажрибангиз ҳам етарли. Кундалик тирикчилик деб умрингизни ўтказманг. Кейин менга ўхшаб афсус еб қолманг, дейман-да. Мен икки юзта асар таржима қилдим. Уйдагилар қийналмасин, рўзғўр бут бўла қолсин, дедим. Юзта асарнинг ўрнига ақалли иккитагина роман ёзиб қўйсам бўлмасмиди? Ёшсиз, юракда ғайратингиз бор, вақтни бой берманг, дейман-да, укам. Гапимни кўнглингизга олиб юрманг-а?

Домла мулойим табассум қилди. У кишини бекатгача кузатиб қўйдим-у, ўйланиб қолдим. Жаҳон адабиётидан сараланган икки юзта асарни ўзбек тилига ўгирмоқ — бунинг учун қанча билим, қанча руҳий қувват, неча йиллик бетиним меҳнат ва зако керак, ахир, бутун бошли бир институт қиладиган ишни домланинг ёлғиз ўзи бажарибди-ку!

Мен бу ерда устоз ўгирган тўрттагина буюк асарни эслатсам, кифоя бўлар, деб ўйлайман. Бу романлар: "Анна Каренина", "Тирилиш" (Л.Толстой), "Сўна" (Войнич), "Сирли орол" (Жюль Верн), "Чоликуши" (Р.Гунтегин).

Мирзо Бобур "Йўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмагай", деб билиб айтган экан. Ўша учрашувдан кейин "қадамни каттароқ" ташлашга ўтдим. "Манзил яқин", "Яхшиларга ёндошдим" деган қиссалар ёздим.

Таассуфки, суюкли устозимизнинг умрлари биз кутганчалик узоқ бўлмади. Аммо ул зоти шарифнинг эл-юртига атаб ёзган ўлмас битиклари соҳибининг умридан неча карра зиёда бўлғай. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Саъдулла СИЁЕВ

Ўлкамизда муборак Рамазон ойи давом этмоқда. Бу ой раҳмат, мағфират ойи ҳисобланади. Ушбу муқаддас ой кириши арафасида Юртбошимизнинг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Бу ҳужжатда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш билан бирга, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг кўламли ишларни тарғиб этиш, ушбу қутлуғ ойда хайрия тадбирларини амалга ошириш, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи қайд этилган. Айни пайтда зиёратгоҳларни ободонлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

«Тошкент зиёратгоҳлари»

Зиёратгоҳлар — мақбаралар, қабристонлар, қадамжоларнинг мамлакатимиз мустақилликни эълон қилган 1991 йилгача бўлган аҳволини ёши улуғ юртдошларимиз яхши билади. Айрим қабристонлар, мақбараларни ҳисобга олмаганда, уларнинг асосий қисми хароб, қаровсиз аҳволда эди. Мустақилликка эришилгач, юртимизда зиёратгоҳларга эътибор кучайиб, уларни ободонлаштиришга давлат томонидан маблағ ажратила бошланди.

2010 йил охирида "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Қонун, 2011 йил апрелда "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда шу қарорга илова тарзида: "Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида Низом" ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг бари давлатимиз инсонни ҳаётлигидагина эмас, балки вафотидан кейин ҳам эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш борасида олиб бораётган сиёсатнинг ёрқин намунасидир.

Давлатимизнинг ушбу сиёсатига жавоб ўлароқ, яқинда муаллиф Ҳожиакбар Расуловнинг "Тошкент зиёратгоҳлари" номли китоби нашр этилди. Китоб муаллифи кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

Бошқарманинг вазифаси зиёратгоҳлар — қабристонларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш, хусусан, улар ҳудудини девор билан ўраш, йўл қуриш, асфальт ётқизиш, симёғочлар ўрнатиб, чироқ ўтказиш, сув билан таъминлаш, ободонлаштириш ишларини муттасил олиб бориш ва ҳоказолардан иборат.

Бошқарма тасарруфида кишилар бошига мусибат тушган пайтда оғирини енгиллаштирадиган, туну кун хизмат кўрсатадиган "Гули сиёҳ" корхонаси ҳам бўлиб, у дафн билан боғлиқ барча керакли нарсалар билан таъминлашни, зарур хизматлар кўрсатишни амалга оширади. Диққатга сазовор жойи шундаки, Украина, Белорусь, Болтиқбўйи республикаларидан мутахассислар келиб, "Гули сиёҳ"нинг тажрибасини ўрганиб қайтдилар.

Ҳожиакбар Расуловнинг ўзи эса Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда вафот этган япон ҳарбий асирлари дафн этилган жойларни қидириб топиш, уларни ободонлаштириш, марҳум япон фуқаролари хотирасини абадийлаштириш борасида қилган хизматлари учун Япония императорининг муҳри билан муҳрланган мамлакатнинг олий мукофоти "Олтин ва кумуш нур таратувчи чиқаётган Қуёш" ордени билан тақдирланган.

"Тошкент зиёратгоҳлари" китоби пойтахт шаҳар хўжалигини ривожлантиришга кўп йиллар ҳисса қўшиб келган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Шоиноят Шоабдураҳимовнинг муқаддимаси билан бошланади. Сўнг муаллиф Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан мустақиллик йилларида шаҳарни



ободонлаштириш бўйича қилинган ишлар, ўтган асрнинг сўнгги чорагида бу ишга бошқош бўлган катта-кичик раҳбарларнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Китобнинг қабристонлар зиёратига бағишланган қисми, айниқса, диққатга сазовор.

Маълумки, Тошкент шаҳрида етмишта қабристон мавжуд. Улар орасида қадимийлари ҳам, янгилари ҳам бўлиб, муаллиф уларни шарҳлаб берган. Ушбу қисмда пойтахтдаги қабристонлар ҳақидаги маълумот Чиғатой қабристонидан бошлаб берилади. Сўнг шаҳар туманлари бўйича қабристонлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Қабристонлар ҳақида маълумот берар экан, муаллиф у ерларда олиб борилаётган ободончилик ишлари тўғрисида алоҳида тўхталади. Жумладан, шаҳар қабристонлари 421 минг метр бетон девор билан ўралган. Уларда 464,1 минг квадрат метр асфальт йўл, 21700 квадрат метр бетон йўл қурилган, 2800 донадан зиёд ёритиш ускуналари ўрнатилган, 30 минг метр чироқ симлари тортилган, 24870 метр бетон ариқ қурилган. Шунингдек, 22 минг тупдан зиёд турли дарахтлар, 12100 тупдан зиёд игнабаргли дарахт, 11 минг тупга яқин атиргул ўтқазилган. Буларнинг бари зиёратга борувчиларга алоҳида кайфият бағишлайди.

Китобнинг диққатга сазовор яна бир томони шуки, унда Чиғатой қабристонидан тортиб, бошқа қабристонларда мангу ором топган кўплаб машҳур давлат ва жамоат арбоблари, таниқли олимлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар ҳақида қисқача бўлса-да, биографик маълумотлар берилган. Бу эса китоб билан танишганларга кимларнинг қабрини қаерда зиёрат қилиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

Китобга "Мотамсаро она" мажмуаси билан боғлиқ суратлар, кўплаб тарихий шахслар, таниқли кишилар, шунингдек шаҳардаги қабристонлар манзараси акс эттирилган суратлар киритилганки, улар китобхонларнинг зиёратгоҳлар ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради.

Шуни таъкидлаш зарурки, муаллиф ушбу китобни яратиб, пойтахтимиз ҳудудидаги қабристонлар ҳақида маълумотларни кенгайтирди, уларнинг жонажон Ватан тарихидан жой олишига ҳисса қўшди. Китоб инсон ҳаётлигидагина эмас, балки фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилганидан кейин ҳам иззат-икромга мунсиблигининг яққол намойиши, давлатимиз бу борада олиб бораётган сиёсатга жавоб бўлди, деб ўйлаймиз.

Шомуҳиддин МАНСУРОВ,
Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналистлар

РУҲИЯТ СИНОАТЛАРИ

Санъат қатидаги сеҳр

Куй, оҳанг воситасида инсонни даволаш усуллари жуда қадимдан маълум. Хусусан, буюк бобокалоимиз Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида асаб, паришонхотирлик хасталигига чалинган беморларни мусиқа воситасида самарали даволаш мумкинлигини ёзиб қолдирган. Мумтоз адабиётимиз асосчиси ҳазрат Алишер Навоий инсон руҳиятига таъсир этишда мусиқанинг беқиёс аҳамиятини яхши билган. Шу ўринда таниқли кинорежиссёр Комил Ёрматовнинг "Алишер Навоий" фильмидаги бир лавҳада — Мўмин Мирзонинг бевақт ўлимини улуғ шоир мунгли мусиқа оҳангидан англаб етганини ёдга олиш кифоя. Куйнинг сеҳрли кучига бундай мисоллар кўп.

Яна бир ривоятда қадимда Болқон ярим оролини каламушлар босиб кетганлиги ҳикоя қилинади. Ҳеч ким уларни йўқотишнинг иложини тополмайди. Юнонистон подшоҳи юртни бу офатдан ким қутқарса унга катта инъомлар беришни ваъда қилади. Қарангки замонасининг не-не олиму фузалолари ечолмаган бу жумбоқни, оддий чўпон йигит ҳал этади. У қўлига найни олиб нафис бир куйни чалибди, шунда шаҳардаги барча каламушлар куй ижро қилинган тарафга ёпирилиб кела бошлабди. Йигит мафтункор мусиқа жўрлигида каламушларни денгиз томон олиб кетиб, уларни сувга ғарқ қилган экан. Фаранг ҳакими Ж. Роже XVIII-XIX асрда най оҳанги таъсирида бўриларни ювош торттириш, кийик ва жайронларни эса отмасдан овлаш, ўз уясини тарк этиб келаётган ариларни қайтариш мумкинлигини ёзиб қолдирган. Буюк Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида Отабек руҳий изтироблар таъсиридан қутулиш мақсадида созандадан "Ҳайдалиш" куйини чалишни сўрайди. Созанда бундай куй йўқлигини айтганда, унда билганингизни чалинг, дейди.

Мусиқа сеҳри инсонни нохуш кайфиятдан қутқариши, руҳиятини, кўнглини кўтариши кўп бора синовдан ўтган. Воқеан инсон мусиқа садоларига рақсга тушганида унинг вужудидаги мудроқ ҳужайралар ҳам уйғониб, кайфияти яхшиланади.

Саҳрои Кабирдаги бадавийлар туяларини ёқимли куй остида соққанларида уларнинг сути бир ярим марта ортгани қайд этилган. Дунёга машҳур араб отларини бошқаришда, Австралияда ҳайвонларни овлашда мусиқанинг сеҳрли кучидан самарали фойдаланишларини биламиз. Хитой, Ҳиндистон тиббиётида паришонхотирлик хасталигини даволашда ҳозирги кунга қадар мусиқадан кенг фойдаланиб келинади. Ҳомернинг "Илиада" достонида Ер куррасида энг чопқир инсон деб ном таратган афсонавий Ахиллес ўзидаги қаҳр-ғазабни куй таъсирида сўндириши баён этилади. Испания қироли Филипп паришонхотирликнинг энг оғир кўриниши билан хасталанганда ҳузурига машҳур ашулачи Фаренеллини таклиф этишади.

Майин куй жўрлигида ижро қилинган ашула таъсирида шоҳнинг дори-дармонсиз даволанганлиги ҳақидаги маълумот бизгача етиб келган. Ўз даврида Олмония ва италиялик ҳакимлар ҳам дудуқланишни мусиқа таъсирида даволаганлар. Ашула айтаётганда дудуқланиш ўз-ўзидан йўқолади. Узоқ Шарқ халқлари айрим касалликларни шомонлар томонидан ижро қиладиган маросим асосидаги ашула, ўйин воситасида даволанганликлари бежиз эмас. Англиядаги туғруқхоналарнинг бирида ғаройиб бир тажриба ўтказилди. Мутахассислар чақалоқлар ётган хонага дам олаётган онанинг юрак уриши товушини эшиттиришади, шунда барча чақалоқлар уйқуга кетади, у тўхташи билан яна йиғи авжига чиқади. Ва аксинча, безовта онанинг юрак уриши эшиттирилганда чақалоқлар уйғониб кетишган.

Яна бир қизиқ ҳолат, санъат асарлари ҳисобланмиш меъморий мажмуалар, кўприклар, бинолар, хоналарнинг қандай рангдалиги ҳам руҳиятга таъсир кўрсатар экан. Масалан, Лондон шаҳридаги машҳур Блекфрайнерс Бридж кўприги қора бўёққа бўялган бўлган. Ундан сакраб ўз жонига қасд қилувчилар сонининг ортиб бориши кўпчиликни ташвишга солган эди. Ҳакимларнинг тавсиясига кўра кўприк кўкка бўялгандан сўнг ўз жонига суиқасд қилувчилар кескин камайган.

Кундан-кунга чирой очаётган шаҳримизда қад ростлаётган бинолар, мажмуалар, ўқув муассасаларининг безатилиши, очиқ рангларда бўялиши, уларнинг дид билан жиҳозланишида ҳам катта ҳикмат бор. Зеро, файзли жойда қут-барака бўлишини халқимиз яхши билади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир санъат асарининг инсон руҳиятига ва саломатлигига кучли таъсири бор десак, сўзсиз ишонаверинг.

А.ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси,
Н.МАМАТОВА,
доцент

► СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН ФАОЛИЯТ

ЯХШИ КИТОБЛАР ЮКСАК ТОҒЛАРГА ЎХШАЙДИ

Оноре де Бальзак ўлмас ўхшатиш ёзиб қолдирган: «Яхши китоблар ўзига чорловчи юксак тоғларга ўхшайди». Минг афсус, баъзан тоғдан қуйидаги адирлар сароби кўзга чиройлироқ кўринаркан. Ахборот ўчоғининг ачқимтил тутуни димоғимизни ачиштираётгани боис, тоғларга тез-тез боқишдан-боришдан эриниб қолаяпмиз, шекилли... «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири Аҳрор АҲМЕДОВ билан суҳбатимизда ана шундай мавзуларда сўз юритдик.

— Болалигимда қишлоғимизда кутубхона бўларди. Ундан мунтазам фойдаланиб турардик. Талабалик кезларимда бир даъфа қишлоққа борсам, кутубхона шип-шийдам, дераза ромларига тахта қоқиб ташланган. Суриштирсам, китоблар туман марказига олиб кетилибди... Аҳрор ака, пойтахтимизда каттакатта кутубхоналар ишлаб турибди, янгилари қуриляпти. Энди қишлоқларимиздаги боягидай бўм-бўш кутубхоналарни тўлдириш вақти етмадимикан?

— Иним Фозилжон, бу воқеа, албатта, ачинарли ва менга эски замонларни эслатиб юборди. Ўшанда сиз, назаримда, журналистика факультети талабаси бўлгансиз-а? Хўш, нега шу ишнинг орқасидан тушмадингиз? Ким кутубхона деразаларига тахта қоқиб кетди, китоблар қаёққа ғойиб бўлди? Бу сафар қишлоққа борганда эски кутубхона биносини бир айланиб кўринг. Аҳволи қандай? Агар абгор бўлса, ҳозир ҳамма жойда тадбиркор, фермер, сармоядор топилади. Бирорта чоғроқ бино топинг. Агар тушунтирсангиз улар бажонидил рози бўлишади, жой беришади, бу ишга ўзлари бош-қош бўлишади. Кутубхонанинг очилиш маросимига Тошкентдан шоир-ёзувчилар, санъаткорларни олиб бориб, элдошларингизни бир қувонтирайлик. Битта китоб дўкони очасиз. Мен, ўз навбатида, корхонамиз раҳбарияти билан келишиб, имтиёзли нархларда китоблар олдириб бераман. Боринг, майли, пулини китоблар сотилгач қайтариш шарти билан. Шу баҳона бир китоб дўкони очилиб қолади, қишлоғингиз аҳлининг дуосини оласиз. Қолаверса, бир рўзғорнинг қора қозони ҳам қайнайди. Кутубхона масаласида яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, хабарингиз бор, мустақиллик йилларида ўша сиз айтаётган қишлоқларда қанчадан-қанча лицей ва коллежлар, мактаблар қурилди. Табиийки, уларнинг ҳаммаси зарур дарсликлар, бадиий адабиётлар, китобларнинг электрон нусхалари, компьютер техникалари билан тўла-тўкис жиҳозланган. Китобга чин ихлос қўйган қишлоқ ёшлари китоб ўқишмоқда, дейиш учун тўла асосимиз бор. Шундай экан, масалани бояги тарзда қўйиш тўғри бўлмас-ов.

— Ривожланган мамлакатларда ноширлар истеъдодли ёзувчини қидириб юришар экан. Бизда эса акси, «ёзувчи»ларимиз шоша- пиша қоралаган қўлёзмаларини қўлтиқлаб ўзлари нашриётга чопишади. «Ўз оёғи билан келган» қўлёзмалар нашр қилинади-ю, тағин «ўз оёғи билан» кетади? Шундай бўлгач, ноширларимиз «зубачистка» тишлаб ўтирмасдан не қилсин?

— Жуда ҳам унчалик эмас... Умуман олганда гапингизда жон бор. Ўзбек ноширчилиги ўзбек менталитетидан алоҳида яшай олмайди. Ўзбекчилик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, табиийки, ноширчилигимизда ҳам бор. Оқсоқол адибларга эътибор, ёшларга ғамхўрлик, ўрта ёшлиларни хафа қилмаслик... Мана шундай шароитда ҳам талаб, муносабат, ёндошувни соғлом, катта адабиёт манфаатларидан, ўқувчи орзу-истакларидан, бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб қилсак, эртага уялиб қолмаймиз... «Шарқ» илгари ҳам муайян ноширлик тажрибасига эга бўлган. Мустақиллигимиз шарофати билан китоб ноширлиги ва сотиш ишлари асосан бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб фаолиятга киришди.Харидоргир асарларни танлаш айнан ўша кезларда бошланди. Биз танловимизни дастлаб таниқли адибларимиз Тоҳир Малик ва Тоғай Мурод ижодига қаратдик. Сўнгра «ХХ аср ўзбек романи» туркумини нашр эта бошладик. Жами 15 номдан иборат туркум бугунги кунда нодир китоблар сирасига киради. Кейин «Сайланма» туркуми дунёга келди. Туркумни машҳур шоир Шавкат Раҳмоннинг «Сайланма»си бошлаб берган. Одатда, Бош таҳририятдан аввал истеъдодни ёки ўқишли асарни газета ёки журнал кашф этган бўлади. Мисол учун, «ХХ аср ўзбек романи» туркуми саралanишида бутун Ўзбекистон ёзувчилари ва адабиётшунослари қатнашган, газета ва журналлардан муҳаррирлар ва тақризчилар жалб этилган эди. Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» романи қайта-қайта нашр этилганидан хабарингиз бор. Ана шу асарнинг «журнал варианти» ҳам, «китоб варианти» ҳам мавжуд. «Китоб варианти» асарнинг сайқалланган варианти бўлиб қолди. Бир қанча ёзувчилар янги асарларини бевосита Бош таҳририят билан ҳамкорликда яратди. Масалан, Аббос Саидовнинг «Беш кунлик дунё», «Кўчада қолган одам» романлари бирданига тўғридан-тўғри китоб ҳолида ўқувчига тақдим этилган. Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. «ХХ аср ўзбек романи» туркуми негизида «Аср ошган асарлар», «Сайланма» туркуми баробарида «Танланган асарлар», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Жаҳон саргузашт адабиёти», «Севишганлар кутубхонаси» ва бошқа янги туркумлар 1997-2007 йилларда дунёга келдики, бу айнан истеъдодларни ва ўқишли асарларни излаш самарасидир. Бош таҳририят нафақат бадиий китоблар, қолаверса, ижтимоий-сиёсий мавзуда китоблар ноширн ҳам ҳисобланади. Буюк аждодларимиз ва қадимий шаҳарларимизга бағишланган альбомларимиз, Ўзбекистонда альбом ноширчилиги ва матбаачилигини маҳаллийлаштиришга замин ҳозирлади.

Бундан йигирма беш йилча муқаддам альбомлар асосан Москвада нашрга тайёрланар, Белград ёки Прагада чоп этилар эди. Эндиликда «Шарқ» ва Бош таҳририят негизида альбом ноширчилиги ва матбаачилиги тўла-тўкис маҳаллийлаштирилди, яъни мураккаб ва сермеҳнат китоблар таннархи арзонлаштирилди. Аста-секин дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ноширчилигига ҳам ўтилди. Янги аср бошларига келибгина тўлақонли нашриёт даражасига кўтарила олдик. Ана шунда Ўзбекистон китоб бозорида ўз савдо тармоғимизга ва тизимимизга эга бўлиш зарурати туғилди. Қисқасини айтганда, Ўзбекистон китоб бозори талаблари биронта ноширни сиз айтгандай тиш ковлаб ўтиришга қўймайди. Хуллас, қиладиган ишларимиз кўп....

Хусусан, китоб савдосини ривожлантириш керак. Илгари ношир китоб савдоси билан шуғулланмасди. Бу учун алоҳида тизим — «Ўзкитобсавдо» ташкилоти бўларди. Умуман олганда ҳозир ҳам бу ташкилот бор. Бироқ унинг фаолияти нимадан иборат эканини билмайман. Масалан, улар бизнинг бирорта китобимизни олмаган. Биз жойларда китоб дўконлари очяпмиз. Аммо бу жуда оғир ва серхаражат иш. Бирор туманга бориб жой қидириш, ё бино қуриш, ё бирор тадбиркорнинг тайёр жойини ижарага олиш, уни жиҳозлаш ва ҳоказо. Дўкон очилгандан кейин ҳам харажатларни қоплашга 3-4 йил кетади. Шуни билингки, ҳеч бир нашриёт бадиий адабиёт чоп этиб бой бўлмаган. Чунки китоблар 2-3 йил, баъзан 4-5 йилда сотиб бўлинади. Қилинган харажатларнинг 4-5 йилда қопланиши эса тадбиркорлик нуқтаи назаридан даромадли иш эмас. Шунинг учун жойларда маҳаллий ҳокимият, (Ҳали ҳам бирорта китоб дўкони йўқ туманларимиз бор) тадбиркорлар томонидан китоб дўконлари очилса, мактаб кутубхоналарининг эски китоб фондлари ичил, тизимли тарзда янги адабиётлар билан тўлдириб борилса, кутубхоналар фаолияти тубдан яхшиланса, китоб савдоси ташкилоти фаолияти тубдан янгича йўлга қўйилса, китоблар ҳам кўпаяди, тираж ошади, демак нархи ҳам арзонлашади, халққа яхши китоблар етиб боради.

Китоб тарғиботининг муҳим шарти реклама. ОАВда, яъни ТВ, радиода реклама эса қиммат туради. Эгаридан тушови қиммат дегани шу. Кир совун ёки кир ювиш кукуни билан китоб рекламасининг нархи бир хил. Менимча, китоб рекламаси нархини кескин арзонлаштириш ёки бутунлай текин қилиб қўйиш керак.



— Инсон ўқишдан тўхтаса, фикрлашдан тўхтайди дейди файласуфлардан бири. Фақатгина телефондаги SMSу интернетдаги Фейсбук ёзишмаларини ўқиётган тенгдошларимиз фикрлаяптими ё шунчаки овунишяптими?

— Саволингизга жавоб беришдан аввал Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган китоб кўргазмасидаги бир ҳодисани айтмоқчиман. Ўшанда журналистлар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратишганди. Ана шу кўргазмада, дейлик, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи ҳам электрон нусхада, ҳам алоҳида китоб тарзида тақдим этилган. Босма китобга қараганда кўпроқ безатилган электрон нусхадаги тегишли тугмачаларни босиб, исталган саҳифани очиб ўқишингиз, айни маҳалда бошқа турдош манбалардан Лев Толстой ёки «Уруш ва тинчлик» ҳақида қўшимча маълумотлар олиш имкониятлари мавжуд бўлган. Бироқ кўргазмага келганлар кўпроқ «Уруш ва тинчлик»нинг босма нусхаси билан қизиққан. Бу нарса, мутахассисларнинг фикрича, босма маҳсулот кўринишидаги китоб яна энг камида ярим аср давомида харидоргир маҳсулот бўлиб қолишидан далолат беради. Негаки, босма маҳсулот кўринишидаги китоб «моддий товар»дир. Китобдан нафақат ахборот ташувчи манба, қолаверса, хонадон ёки офисни безатувчи ашё сифатида фойдаланиш ҳам мумкин. Электрон маҳсулот сифатидаги китобга «вирус» тушиши ёки исталган ўзгартириш киритилиши мумкин, китоб эса бир умрлик товардир. Китоб ёки китоб иши юзага келишида Инсоннинг ёзувга ёки ёзилган нарсаларга қатъий ишончи муҳим омил бўлган. Электрон маҳсулот кўринишидаги китобга ўтилиши учун маълум вақт ва мослашув даври талаб этилади. Шундай бўлса-да, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Интернетда ўз веб-сайтини очди, кейинги 20 йилда нашр этилган китоблар аннотацияси, сурати ва саҳифаланган матни билан бирга таништириб борилмоқда.

— Эсимни танибманки, «Бозор адабиёти» деган тушунча ишлатилаётганига гувоҳ бўлиб келяпман. Китобхонлар ҳамон «бир марта ўқигулик китоблар»га алданяпти. Бу тушунчанинг жамиятимизга кириб келишига қандай куч сабаб бўлди экан-а?

— Қадимги Шарқда қарийб 100 га яқин шоирлар «Хамса» яратган. Аммо Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий «Хамса»ларини бутун жаҳон тан олади. Наполеон Бонапартнинг Россиядаги урушлари ҳақида юзлаб китоблар, жумладан, бадиий асарлар яратилган, бироқ, Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» эпопеяси жаҳон адабиёти биносидаги пишиқ ва тўғри қўйилган ғишт саналади (Габриэль Гарсиа Маркес ибораси). «Бир марта ўқиладиган ва ташлаб юбориладиган» ёки «бульвар» китоблар барча мамлакатларда мавжуд бўлган ва бўлаверади. Бинобарин, хиёбонда скамейкада ўлтириб ўқиб, дам олиб бўлгач, ташлаб кетиладиган, бир марта завқ билан ёки зериккандан ўқиладиган китобларга шундай нисбат берилади. Ташлаб кетишни ташлаб юбориш, деб ўйламанг. Умуман чел элда яхши бир одат бор. Ўқиладиган нарса у хоҳ китоб, хоҳ газета-журнал бўлсин, хиёбондами, бекатдами, метродами, тураётиб ўз ўриндиғига қўйиб кетади. Унинг ўрнига ўтирган бошқа одам бехижолат ўқиб кетаверади. Александр Дюманинг «Уч мушкетёр» романи ҳам Париж бульварларида ўқилган, ташлаб кетилган китобчалар кўринишида дунёга келган. Дурдона китоблар замонда ўз умрини яшайди, вақт ўтгани сайин қадр-қимати ортиб бораверади. Афсуски, кейинги йилларда адабий газета ва журналларимизда буюк ва дурдона асарлар деярли муҳокама қилинмасдан, мутолаа маданияти ва умуман китоб бозоридаги аҳвол деярли ёритилмасдан қўйилди.

— Яқинда «Шарқ зиёкори» дўконида нашриётларингизда чоп этилаётган совғабоп асарларни кўрдим. Нархи қиммат бўлса-да, бежиримлиги кўзни қувнатади. Иқтисодий жиҳатдан бақувват, бой нашриётларгина шундай ишларга қўл уриши мумкин, деган фикр хаёлимдан ўтди.

— «Шарқ» компанияси китоб ноширчилигини йўлга қўйиш ва ривожлаништиришга қатъий киришганидан бери ҳар йили ўртача 125-150 номда мустақил китоблар дунёга келдики, Бош таҳририят тузилганидан бери нашр этилган китоблар умумий номи 3000 тага яқинлашиб қолди. Ана шу китоблар орасида устига алоҳида ғилоф қопланган «совғабоп» нусхалари тайёрланиши (100 тадан 500 нусхагача) ноширчилик ва матбаачилик, умуман, китобат ишимизда ўзига хос янгилик бўлди. Тўғри, бундай китоблар анча қиммат туради. Лекин «арзоннинг шўрваси татимас» деганларидек, китоб эгаси ўзи сотиб олган босма маҳсулотни ниҳоятда қадрлайди, уни авлоддан-авлодга бутун ва кўркам ҳолда етиб боришига ҳаракат қилади. Маълумки, Шарқда, хусусан, Бухоро ёки Хивада хонлар ва амирлар саройи кутубхоналарида энг нодир ва дурдона китоблар сақланган. Айнан давлат китоблар ҳатто дипломатик совға бўлгани учун китобат ишига мадад берган, назорат қилиб турган... Саволингиз бироз бир ёқламароқ. Биз қиммат китобларни, яъни совғабоп китобларни тайёрлашни эндиэнди йўлга қўйяпмиз. Бу нашриёт бойиб кетганидан эмас. Бу, яна қайтараман, бозор талаби, бугунги кун, бугунги шароит, имконият талаби. Китобхонларнинг чиройли безатилган, кўркам, қимматбаҳо китобларни сотиб олишга қурблари келмоқда. Халқимизнинг маънавияти бойимоқда. Бу қанчалар яхши! Бу бугунги кун талаби, шарт-шароити, жаҳон андозаси.

— Сизнингча, китоб ўқиган одам бахтли бўлиши мумкинми?

— «Дунёни гўзаллик қутқаради» деган гап бор. Лекин мен кўпроқ «Дунёни китоб қутқаради» деган гапга ишонаман. Кўз олдимдан кетмайди, ўтган йили Фукусима фожиаси бўлган кезлар, талафот кўрганларнинг бир гуруҳи яқинроқ мактабнинг спорт залига жойлаштирилган ҳолат телевизор орқали кўрсатилди. Бор будидан жудо бўлган бир япон йигит чойшабга ўралиб, спорт зал полига мук тушиб китоб ўқирди. Яна ўша телелавҳада эгаси супермаркетга кирган бир япон икки дона сувни олди-ю, чиқиб кетди. Ажаб, шундай фожиа юз берса-ю, бирорта «мародёр», яъни кафандузд бўлмаса?! Бу китобнинг, маърифатнинг шарофатидан десам ишонаверинг... Иккинчи жаҳон урушида енгилган японларнинг бугунги тараққиёти замини ҳам нимадан, деб ўйлайсиз? Албатта, китобдан... Мен китоб ҳақида кўп гапираман: телевидение, радио, газеталарда. Баъзан савол беришади: «Гапингиздан шундай маъно чиқадики, китоб ўқиган одам бахтли бўлар экан-да?» Қанийди «ҳа» деб баралла айтолсам... Йўқ, ҳамма китоб ўқиган ҳам бахтли бўлавермайди. Гарчи китоблар бахтга етиш йўлини кўрсатиб берса ҳам. Лекин бир нарсага аминман, китоб ўқиган одамдан асло ёмонлик чиқмайди, у балки жуда бой, тўкис яшамас, лекин тўғри, ҳалол яшайди, қаноатли бўлади. Ички бутунлик, хотиржамлик, кўзи тўқлик унинг ҳаётига нур, файз, мазмун бахш этиб туради. Аслида шунинг ўзи бахт эмасми?! Ботбот кўришганимизда прокуратура тизимида хизмат қиладиган танишларимдан сўрайман: «Жиноят содир бўлишидан олдинги ҳолатлар, жиноят мотивларида китоб борми, ҳеч китоб ўқиб ўтириб, уни шартта ёпиб, шу ишига қўл урган ҳолатлар-чи?» Улар доим «йўқ» дейишган. Одам телевизор кўриб, видео кўриб, компьютердан туриб, тўйдан чиқиб жиноятга қўл урган бўлиши мумкин, фақат китоб ўқигандан кейин эмас... Мана шу биргина ҳолатнинг ўзи ҳам китобнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб беради. Демак, биз китобни кўпроқ тарғиб қилсак, уни ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми, турмуш тарзимизнинг ўзига хос бир кўриниши деб билсак, аввал ўзимиз, кейин фарзандларимиз, невараларимиз онгига буни сингдиришимиз керак. Шунда жамият ҳаёти ҳам тобора соғломлашиб боради.

Қайсидир мамлакатда бир оила кенгашган ҳолда хонадондаги бир қанча техника воситаларидан — телевизор, радио, сотка, компьютердан фойдаланмасдан, нодир бадиий асарларни ўқий бошлашибди. Орадан ярим йил ўтгач, улар жуда кўп асар мутолаа қилишга улгуришган экан. Алқисса, ахборотлар оқими замонида Бальзак айтган чўққини забт этиш учун бундан бошқа чора йўққа ўхшайди!

«Hurriyat» мухбири Фозил ФАРҲОД ўғли суҳбатлашди.

Мардлар майдонда синалади

(Бошланиши 1-бетда.)

Эътиборлиси, ҳар тўрт йилнинг энг нуфузли турнирида дунёнинг икки юз бешта мамлакатидан келган спортчилар қаторида ўзбекистонлик йигит-қизлар ҳам иштирок этиб, юксак марраларни кўзлаб турибди. Қайд этиш жоизки, республикамиз спорт делегацияси таркибидан ўрин олган спортчиларимиз спортнинг ўн олти тури — бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, трамполин, велоспорт, сузиш, енгил атлетика, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши, ўқ отиш, қиличбозлик ва теннис бўйича беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Мусобақаларнинг дастлабки кунида дзюдо беллашувларида мазкур спорт бўйича икки карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ҳамюртимиз Ришод Собиров ғолиблик учун кураш олиб борди. Саралаш беллашувларидан муваффақиятли ўтган вакилимиз финал йўлланмаси учун кечган беллашувда қутилмаганда россиялик дзюдочи Арсен Галстянга имкониятни бой бериб қўйди. Бронза медали учун бўлган баҳсда эса ҳамюртимиз франциялик Софиани Мелоус билан кураш олиб бориб, мазкур беллашувда ғалабани тантана қилди. Эслатиб ўтамиз, юртдошимиз бундан тўрт йил аввал Пекинда ўтказилган мусобақада ҳам учинчи ўрин билан кифояланган эди.

Теннис мусобақалари ҳам Денис Истомин учун омадли кечаётганини таъкидлаш жоиз. Дунё рейтингида тобора юқорилаб бораётган етакчи теннисчимиз биринчи ва иккинчи давра баҳсларидан муваффақиятли ўтди. Дастлабки даврада спортчимиз испаниялик ракетка устаси Фернандо Вердаскога қарши кортга чиқиб, рақибини 6:4, 7:6 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, иккинчи учрашувда Денис люксембурглик Жил Мюллер билан орани очиқ қилди. Мутахассислар ушбу қарама-қаршилик айни пайтгача ўтказилган теннис беллашувлари орасида энг қизиқарлиси бўлганини айтишмоқда. Ҳисоб ҳам ўйинга муносиб бўлди, десак, хато қилмаймиз — 6:7, 7:6 ва 7:5.

Учинчи даврада Денис Истомин ҳозирда дунёнинг энг кучли теннисчиларидан бири бўлиб турган швейцариялик Рожер Федererга қарши кортга чиқади. Ушбу беллашувда ҳамюртимизга омад тилаб қоламиз. Умид қиламизки, теннисчимиз ушбу беллашувда ҳам зафар қучиб, юртимиздаги барча спорт ихлосмандларини қувонтиради.

Яна бир ёш спортчимиз Марина Сисоеванинг Олимпиада — 2012 баҳсларидаги иштироки у қадар кўнгилдагидек бўлмади. Оғир атлетика турида 48 кг. вазнли спортчилар ўртасида ўтказилган беллашувларда, афсуски, у 78 килограммлик буюртмани учта уринишда ҳам ўзига бўйсундира олмади. Охир-оқибатда у мусобақа билан хайрлашишга мажбур бўлди.

Дзюдо бўйича мусобақаларда 66 кг. вазнда иштирок этган ҳамюртимиз Мирзоҳид Фармонов ҳам 1/8 финал баҳсида имкониятни бой берди. Жанубий кореялик Чо Жун Хога қарши татамига чиққан вакилимиз 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Олимпиаданинг кеча ўтказилган беллашувларида эса уч нафар ўзбекистонлик спортчи баҳсларга киришди. Оғир атлетика беллашувларида 69 кг. вазнда Баҳром Мендибоев ўз омадини синаб кўрган бўлса, дзюдо мусобақаларида Яҳё Имомов иштирок этди. Бокс баҳсларида эса Ўктамжон Раҳмонов рингга чиқди.

Ҳозирча медаллар жамғариш бўйича умумий рўйхатда хитойлик спортчилар биринчи, АҚШликлар иккинчи ва франциялик-лар учинчи ўринда боришмоқда.

Азим РЎЗИЕВ

Хушёрлик ва эҳтиёткорлик ҳақида

Жаҳлни кечиктирган, ютар,
Ишни кечиктирган, ютқизар.

Итни қопмас деб бўлмас,
Отни тепмас деб бўлмас.

Оёқ югуриги — ошга,
Тил югуриги — бошга.

Сув тўхтар, душман тўхтамас.

Орқангдаги душман,
Олдингда — дўст.

От минсанг ўйлаб узоқни,
Билиб юр йўлдаги тузоқни!

Офат кўрмай десанг, ҳушёр бўл!

Сир билувчи бўл,
Сир айтувчи бўлма!

Сир (нинг) учини сўз очар.

Ширин гапга учма,
Мақтаганни қучма!

Ўт билан ўйнашган ёнар.

Бўрини аясанг, сени талайди.

Душманга ошингни берсанг,
Бошингга минар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлими раиси, «Қашқадарё» газетаси бош муҳаррири Нарзулла Равшановга акаси
Абдулла РАВШАНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Бошқаруви, касаба уюшмаси ва жамоаси банкнинг Тошкент вилоят бошқармаси ҳудудий филиал бошқарувчиси Омонилло Ҳамдамовга фарзанди
САИДАКБАРнинг
бевақт вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 6509 Буюртма — Г-855 12 45